



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2011-yil 27-may • №22 (4109)

ОБОДЛИК ВА ГЎЗАПЛИК ФЕСТИВАЛИ

21 май кунни мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Андижонда «Ободлик кўнгилдан бошланади» номли фестивал бўлиб ўтди

Эртасига эрталаб Тошкентда ўқийдиган ўғлим телефон қилиб қолди. Саломдан сўнг ҳаяжонини яширолмади:

— Жуда зўр-ку, дада! Интернетда кўриб, оғзим очилиб қолди. Одамларнинг завқини, мушакбозликни қаранг. Нега айтмадингиз, дада, борардим. Шу бизнинг Андижонимизми? Борсам адашиб қолсам керак-а?!

— Ўғлимнинг эҳтироси, фахру ифтихори адосиз эди.

Гапни ҳазилга бурдим:

— Келиб-кетишининг менинг зиммамга тушишини ўйлаб айтмадим-да.

Кулишдик.

Аслида эса фарзандимнинг ўз юрти муваффақиятидан, шухратидан фخرланганидан қувондим. Демак, ёмон бода тарбияламабман. Эл бахтидан шодланиш фидоиликнинг аввалидир. Кейин эса ўғлимга нималарнидир айтгим келди...

Сенга маълумки, она Ўзбекистонимиз дунё тамаддунининг энг қадимги ўқоқларидан бири ҳисобланади. Андижон эса Ўзбекистоннинг энг қадимги масканларидан биридир. Эҳтимол сен Жалақудук туманидаги Давларзинтепа қазилма ёдгорликлари тахминан эраимиздан аввалги XI-X асрларга бориб тақалишини билмассан. Буни ҳали олиб борилиши кўзда тутилган археологик тадқиқотлар исботласа ажабмас.

Избоскан туманидаги Элатон ёдгорликлари ҳам ўзининг қадимийлиги билан анча машҳур. Ҳозирги Марҳамат туманидаги салкам 2,5 минг

йиллик тарихимиздан хабар беришчи Эрши шахристон (қадимги Довон давлати пойтахти) қолдиқлари ҳақида сен яхши биласан, албатта. Аини кунларда бу ерда янгидан-янги археологик қидирувлар олиб боришмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб кетай: Ўзбекистонда бирон-бир соҳа йўқки, улар орасида номдор бирор андижонлик бўлмаса. Тарих саҳифаларини варақласанг, бунга ўзинг ҳам амин бўласан. Бунинг сабабчиси албатта, Андижоннинг муборак заминию меҳнаткаш ва доғишманд халқидир.

Бу халқ бугун Истиқлол берган имкониятлар тўғрисида яратиб ва бунёдкорлик ила банд. Чиндан ҳам энди Андижон шаҳрига келсанг, адашиб қолишинг турган гап. Кейинги тўрт йил ичида шаҳримиз бутунлай ўзгариб кетди. Юртбошимиз ташаббуси билан вилоятимиз ободончилиги учун салкам 1,7 триллион сўм маблағ ажратилгани халқимизнинг кучига-куч, илҳомига-илҳом кўшиди. Сени ҳайратга солган «Ўзбекистон» кўчаси ана шу эътибор тўғрисида бошланган эзгу ишларнинг дебосасидир. Бундан бир ярим йил аввал бу кўча пастак лойсувок ўйлардан, кўримсиз бинолардан иборат эди. Ҳозир кўчанинг ҳар икки тарафида уч қаватли Янги меъморий услубдаги кўркем бинолар қад ростлади.

Ватан учун яшайлик!

Давоми тўртинчи саҳифада.

ИНСОН БИЛАН ЮКСАЛАР ЗАМИН ҚИЁФА

Хар қандай давлатнинг буюклиги, куч-қудрати, шон-шавкати, аввало, унинг халқи, шу халқ орасидаги фидойи ва жонқуяр, элпарвар, юртпарвар, донишу оқил фарзандлар билан белгиланади. Ортиқали ака мен таниган, билганлар орасидаги ана шундай инсонлардан.

Ўзи жиккаккина, ҳокисор, устига-устак, умуртқа поғонасига ёпишган бир умрлик дард боис, хиёл эгилиб юради, ҳаракатлари оғирроқ. Лекин бу тасвир фақат унинг ташқи қиёфасигагина тегишли, ботинига эмас. Ботинида эса битта эмас, ўнла соппа-соғ одамниқидан зиёдор куч-ғайрат бор. Бундан ҳам муҳимроғи, ҳамма юксак сифатлар жам бўлиб, Эзгулик деб аталган байроқ остида саф тортса-чи, яхшилик деб аталган қайнар бўлоққа дуч келганингиз ўша бўларкан. Афлотун: «Агар ният эзгу бўлмаса, билим иблисга хизмат қилади» деган экан. Агар катта билим катта эзгу ният билан қўшилиб кетса-чи?.. Мен сизга мана шу ҳақда ҳикоя қилмоқчиман...

ТАРЖИМАИ ҲОЛДАН

«Марҳаматнинг Ҳўжаарқ қишлоғида улғайдим ва ўша даврдаги 15-ўрта мактабни «олтин медал» билан тамомладим. 7-синфда ўқиганимда шахматни ўрганиб-қўйганларни ютганман.

Отам узоқ йиллар бетоб бўлганлиги сабаб, мен ўн бир ёшимдан оқ далага чиқиб ишлаганман. Одамларнинг уйда минг донасини етти-саккиз сўмдан гишт қуяр эдим. Футболни яхши ўйнар эдим. «Пактавор» футбол мактабига кириб ўқимокчи эдим. Отам оламдан ўтиб қолганлиги сабабли бора олмаганим.

Ҳаммамнинг уйда телевизор бор эди. Бизда имкон бўлмаган. Биз тўрт ака-ўка дарс қилар эдик. Натижада институтларда ўқидик. Ўйлиқра учун ўзимиз ишлаб пул тоғланмиз. Шароит оғир бўлганлидан давлат томонидан йўлқира берилар экан, деб Ҳарьковдаги педагогика институтига ўқишга кирганман. Русчани яхши билмаганим учун бор вақтимни ўз устимда ишлашга қаратганман. Бўш вақтимнинг кўп қисми шу шаҳардаги Королёнов номидаги кутубхонада ўтган. Инглиз ва рус тилининг тилларини ўрганиш учун курсларга қатнаганман. Спорт гимнастикаси билан шуғулланганман. Кечалари пул топиш учун вагонлардан юк туширган кунларим кўп бўлган. Ярим кечада туриб то эрталабгача китоб ўқир эдим. Вақти келиб ҳаракатларим ўз мевасини берди: аспирантурага йўлланма беришди».

ДУНЁ ВА ДУНЁҚАРАШ

Инсоннинг ўзини ўраб турган дунё ҳақида билганлари, аслида, денгиздан томчи. Лекин илмда ҳам илм бор. Ортиқали аканинг ҳаёти ва амалиётини кузатарканман, ҳатто бир кунлик иш режаси билан йўл-йўлакай танишиб чиқар эканман, гапнинг индаллоси, ўз-ўзимдан, қилаётган ишларимдан кўнглим тўлмай кетаверди. Чунки ўзини ҳар қанча меҳнаткаш, серғайрат ҳисоблаган инсон ҳам у билан солиштирилганда, жуда назокат билан айтганда, бориб турган даңгаса бўлиб чиқаверди-да.

Дунёбеҳабарлик алал-оқибатда инсонни ҳам, миллатни ҳам боши берк кўчага олиб қиради. Дунёбеҳабарлик эса ана ўша кўчанинг, аввало, кенг ва ра-

вон, қолаверса, ҳамиша очик, серқатнов бўлишини таъмин этади. Агар бунга яна неқибон руҳ, келажакка, ҳаётга ишתיёқ ҳисси қўшилиб кетса борми, нур устига нур, деяверинг. Ортиқали аканинг ҳаётини мушоҳада қилар эканман, бунга такрор-такрор икром бўламан.

ТАРЖИМАИ ҲОЛДАН

«Оилавий шароит мени доимо тинимсиз меҳнат қилишга ундар эди. Аспирантурага бормоқчи бўлиб турганимда қариндошлардан бири «онанг жуда қийналиб кетди, унинг ёшидаги аёллар аллақачон далага чиқмай қўйишган. Яна аёл боши билан ипак кўрти тутади. Энди сен ёнинг киришинг керак», деб туриб олди. Хар қанақасига олиб кўрмай, у ҳақ эди: онамга ёрдам беришим, уларимга ҳам ака, ҳам ота ўрнида қўмақлашим зарур эди. (Отам раҳматли кирчиллама ёшида қазо қилиб кетган эди). Укаларимни ўқитишим, уйлий-жойли қилишим, синглимни узатишим керак эди. Мактаб, дурадгорлик, томорқадан келган даромадлар оила харажатларига етмасди. Доимо қарз олиб туришимизга тўғри келарди. Оиланинг моддий муаммоларини ечиш учун бизнес режа бўйича иш юритишимга ҳаёт мени мажбур этган.

Меҳнатга шундай берилган эдимки, агар бирор ишим тугамаса, ухлай олмадим. Ўша ишни тугатиб ётар эдим. Бир кунни маҳаллаимизга бир меҳмон келиб тунаб қолибди. Ярим кечадан ошгандан уй эгасидан: «Тақиллаётган ниманинг овози?» — деб сўрабди. Мезбон: «Ортиқали деган йигит ишини тугатмабди-да», деса, меҳмон: «Шундай кетса, соғлигини йўқотади», деган экан.

Тақдирни кўрингки, шундай бўлиб чиқди. 1975 йилда анқозга (ҳаракатсизликка) олиб борувчи спондилоартрозни орттириб олдим. Хар қанча даволашнинг натижа бўлмади. Ўша даврдаги медицина китобларида жавоб битта: бемор узоғи билан 20 ёшгача яшаши мумкин. Тинимсиз тиббий қаров керак.

Мени ҳаракатсиз ҳаёт кутар эди. Шунда умри тўшакка михланиб ўтган шўрлик инсонлар кўз олдимга келар, даҳшатга тушар эдим. Кўпчиликнинг раҳми келар эди менга. Ортиқали: «Эссиз, ёш экан...», деганларини неча бор эшитганман...».

ДАРД БИЛАН ЯШАШ СИРИ

Ортиқали акани 1979 йилда даволаган Идрис исмли врач 90-йилларнинг ўрталарида Қримдан келиб, беморни тасодифан ўйлиқиб қолган қўшини-сидан сўраб-суриштиради:

— Ортиқали ака ўтиб кетгандир?
— Нега энди? Ҳаёт.
— Нахотки? — ажабланибди врач. — Ногирондир?
— Ҳа.
— Шол бўлиб тўшакка михланган, тўғрими?
— Нималар деяпсиз? — жадли чиқибди қўшинининг. — Ишлаб юрибди. У қилган ишни соғлар қилолмайди. У ҳозир тadbirkор. Марказ ташкил қилган.
— Ишонмайман. Мен уни кўришим керак, — деб туриб олибди врач. — Бу ҳақда тезда академик Цойга ёзишимиз керак, тушуняпсизми? Ахир, бу мўъжиза-ку!..

Давоми иккинчи саҳифада.



Боғча даврасида... Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

Алишер НАВОЙ

Бона одоби хусусида

(“Ҳайратул-аброр” достонининг олтинчи мақолатидан)

Улча эрур тифлга шойишта иш,
Билки кичикликта эрур парварини.

Итга таалумда чу бўлди камол,
Сайд анинг оғзини ўлди ҳалол.

Қатрага чун тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққуча топти шараф.

Олим ул итким нажасул-айн эрур,
Ўғлига жаҳл ўлса ажаб шайн эрур.

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар етмағай аядин уёт.

Шеърӣй паҳра

Исмад кўп келди тафовут падид,
Бир Хусайн ўлди, бириси Язид.

Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Еткурур ифротӣ валекин газанд.

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анга илму адаб.

Меҳр ила зажрики таваққуъ дурӯр,
Тифлга сендин бу тавозуъ дурӯр.

“КИТОБХОННИ УНУТМАЙЛИК”

“ЎЗАС”, 2011 йил, 4 март

Ушбу сарлавҳа остида берилган мақолада Бахмал тумани ахборот-ресурс маркази ишдаги камчиликлар хусусида сўз юритилган эди.

Шу муносабат билан Бахмал тумани прокуратураси мазкур маънавий даргоҳда текшириш ўтказди. Туман прокурори вазифасини бажарувчи адлия маслаҳатчиси Б.Аралов имзоси билан олинган жавобда айтилишича, мазкур марказ Жиззах давлат педагогика институтини ахборот-ресурс марказининг Бахмал тумани филиали ҳисобланиб, кейинги йилларда таъмирланмагани сабабли томондан чакки ўтиб, китобхоналарни қабул қилиш ва ҳодимларнинг иш олиб бориши учун муайян қийинчиликлар вужудга келган.

Мазкур аҳволни ўнглаш учун Бахмал туман ҳокимлиги топиширига биноан яқинда кутубхона фондига китоблар ва жиҳозлар халқ таълими бўлимининг учта бўш хонасига қўчириб ўтказилган. Филиал ихтисослашган бинога жойлаштирилмагани учун ўқув зали, хизмат кўрсатиш ва кутубхона

чилар хоналари ҳамда бошқа имкониятларга эга эмас. Институт ахборот-ресурс марказидан зарур адабиётлар ҳам жуда кам ажратиб келинган.

Бу хусусда туман прокуратураси томонидан институт ректори номига тақдимнома киритилиб, филиал раҳбари И.Неъматов ҳамда айрим ҳодимларга нисбатан интизомий жавобгарлик юзасидан иш қўзғатилган.

ҲАЁТИМНИ БОЛАЛАРСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛОЛМАЙМАН



Учрашув

Таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қҳрамони Озод Шарафиддинов театр санъатининг аҳамияти ҳақида сўзлаб шундай деган эди: “Театр шу қадар катта куч ва қудратга эгаки, у ўз сўзи ва санъати билан хар бир инсоннинг, театрга келган томошабиннинг ҳаёт тарзини, дунёқарашини ўзгартириб ва янгилаб, қалбини, маънавий оламини офтоб нурлари каби ёритади. Шунинг учун ҳам мен “Сен муқаддасан ва сажда-

ли адабиётшунос ва театршунос олимлар, театр жамоаси ҳамда режиссёр О.Салимов салкам эллик йил бурун яратилган асарга замонавий руҳ беришга, унинг фалсафий-маънавий йўналишини кучайтиришга, асарни умуминсоний қадриятлар билан бойитишга эришгани хусусида сўз юритишди. Айниқса, С.Юнусов талқинидаги Она образи ёшларни, ўрта авлод вакиллари-ни ота-оналаридан меҳр-муҳаб-

“ОМОН БЎЛГИН, АЗИЗИМ”



гоҳсан, театр!” дегим келади”. Кўни кеча Ўзбек миллий академик драма театрида сахналаштирилган “Омон бўлгин, азизим!” спектаклини томоша қилиб, устознинг шу сўзлари ёдга тушди, театрнинг бе-

бир бор чуқур англо-ландек бўлди. Америкалик кино-сценарийчи Вина

Дельмарнинг бу асарини Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев 1977 йили Қодир Мирмуҳамедов таржимасида юксак профессионал савияда сахналаштирганини яхши биламиз.

Миллий театр ва унинг ижодкорлари, спектаклни сахналаштирувчи устоз режиссёр Олимжон Салимов бу асар билан томошабинларга нима демоқчи, “Омон бўлгин, азизим” спектакли аввалги кино ва театр талқинларидан нима билан фарқ қилади? Жамоатчилик кўриги муҳомадасида қатнашган таниқ-

батларини аямасликка, уларни бор вужудлари билан эъзозлашга қақариши таъкидланди.

Томошабинларнинг эстетик руҳияти, уларнинг фикрлаш доираси, маънавий олами, умуман, тушунчаси давр билан ҳамоҳанг кенгайиб ва бойиб бормоқда. Кеча намоийш

этилган асар бугун ўз кўчини, таъсирини йўқотиб, эскириб қолмоқда. Шундай экан, театрларимиз бу борада бугунги кунда мамлакатимизда жадаллик билан олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларини очиб беришчи, ёшлар ҳаётидаги ўзгариш ва ютуқларни тўлалигича ифода этувчи бадиий баркамол сахна асарларини томошабинларга тақдим этишларини истаймиз.

Аҳмадхон РАҲИМОВ,
“Ўзбектеатр” бирлашмаси бўлим бошлиғи

“НИҲОЛ — 2011”

Ёш истеъдодлар учун ташкил этилган “Ниҳол” мукофотига бу йилги номзодларни саралаш давом этапти.

Кўни-кеча Қорақалпоқ мусиқали театрида танловнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Тадбирда мусиқа ижрочилиги, опера, мумтоз қўшиқчилик, рақс, эстрада йўналишлари бўйича Нукус шаҳри, Амударё ва Бөрүнйи туманидан иштирок этган ёшлар биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб, яқуний босқичга йўлланма олдилар.

О.БУРҲОНОВА

БИЛДИРИШ

27 май, жума кўни соат 16.00да Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида таниқли шоир (марҳум) Аскар Қосимовнинг «Қаро кўзим» китобининг тақдироти бўлиб ўтади.

Йиғилишга барча адабиёт ихлосмандлари таклиф этилади.

Мўъжиза деймиз-у, аслида, ҳар қандай мўъжизанинг ҳам ўз қонунияти, юзга келиш сабаблари бўлади. Қўпинча, эҳтимолдан ғоят узоқ бир неча сабаблар бир жойга жам бўлиб ва, энг муҳими, бир-бирига уйғун туриб, бир-бирини қувватлаб, тўлдириб майдонга чиққан натижа бизнинг нигоҳларимизга мўъжиза бўлиб кўринади. Фикри ожизимча, Ортикали ақанинг дардга чалинганидан йигирма йил ўтиб, врачлар айтганидек, тахминан 1995 йиллар атрофида вафот этиб кетмаганлиги бир қарашда мўъжиза бўлиб туолса ҳам, бошқа жиҳатдан ҳаёт қонуни эди. Аниқроғи, Ортикали ака ҳаётининг қонуни! Чунки бу киши сиймосида дарди бедавога тушовчи бериб қўймай, инсон каби, инсон ўлароқ яшашнинг барча сабаблари мавжуд эди. Унинг ҳаётдаги бош шioriга эътибор беринг: "Ҳаёт, бу — ҳаракат!".

Бу гап шунчаки, йўлига айтилган олифтагарчилик эмаслигини мен жуда яхши ҳис қиламан. Ортикали ака билан дастлабки жиддий суҳбатимиз адасмасам, уч соатлар чамаси давом этган, ўзимиз ўтирган даврани унут-гандик. Суҳбатимиз гоҳ тарих, гоҳ бунимиз, гоҳ адабиёт, гоҳ психология, гоҳ тил, гоҳ замонамиз муаммолари устида борганди. Мен ўша суҳбатда Ортикали ақани, бугун мен билан, мен таниган катта қалбли, улкан зиёлини ўзим учун кашф қилган эдим. Мавзу ўз йўлига, мавзу борасида билдираётган қарашларининг ўта замонавийлиги, жуда илгорлиги ўз йўлига, мени ҳайратга солгани — Ортикали ака муносабатидеги демократик кайфият ва бу кайфиятда уфуриб турган бениҳоя самимият билан бир қаторда, вужудининг мудом, ҳар дақиқа, дақиқа нима бўпти, ҳар сонияда қимирлаб, ҳаракатлантириб туриши бўлди. Кейин билсам, фақат ҳаракатгина Ортикали ака гавдасининг қотиб, ҳаракатсиз ҳолга келиб қолишдан асрар экани, буни ўйлаганим сайин унинг "Ҳаёт бу — ҳаракатдир" деган шiori мағзини яхшироқ қаққандек бўлаверман.

ИЛК ТАДБИРКОРЛИК

"Бошқаларни ўйлаганимда, кўпчилик манфаати учун бирор ишни амалга оширганимда, йўлидаги мушкулот ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлиб кетаверган", — дейди Ортикали ака.

1989 йилда Ортикали акага мактабда ижтимоий фойдали меҳнат ташкилотчили сиз деган вазифа юклатилади. Ўша вақтга собиқ ташкилотчилар журналга "ўқувчилар қор куради, ойна артки, ҳовли су-пурди, ер ағдарди", деб ёзиб, ойлик олиб келишган. Ортикали ака бўлса маошимни ҳалоллаб олай дея ёнги машина олиш учун йиғиб юрган пулига ўғил болалар учун икки юк машинада тахтачалар, қизлар учун эса бир машина тўқув ипи олиб келади ва мактабда қўтичалар тайёрлаш тўқув ишларини йўлга қўйиб юборади. Оғзига кўчи етмаганлар: "Жамғариб юрган пулини фойдасиз ишга сарф қилиб юборди. Эси борми, ўзи?", дея устидан қулишган. Лекин орадан фурсат ўтиб, ўқувчилар хунари бўлади, улар тайёрлаган махсулот эса даромад келтира бошлайди. Ҳамма ҳайрон. Ахир, ўқувчи болаларнинг бундай ишга қодирлигини ҳеч ким кутмаган эди-да.

— Ўқувчиларнинг бозорга чиқишига ким рухсат берди? — деб ёзирганди мутасадди ўртоқ.

— Бу иш Халқ таълими вазирлигининг дастурига қиртилган. Ўқувчиларнинг ўзлари тўқган махсулотни ташлаб юбориши керакми? — жавоб берганди Ортикали ака.

— Унда пулини нима қиласизлар?

— Харажатдан олган соф фойданинг саксон фойизи умумий йиғилиш қарорига қиноан ўқувчиларнинг ўзларига ойлик қилиб берилади. Қолган йигирма фойизи эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун иш қуролилари сотиб олишга сарфланади. — Дуруст. Булар экан-ку! — деб тан берганди ушунда мутасадди...

Яна бир кун Ортикали ака фаолиятини қўроллаган кишилар томонидан хабардор қилинган катта инспектор келиб бақира кетади:

— Болаларни ишлатиб бойимокчи бўлган ким ўзи?!

— Мен!

— Ким рухсат берди сизга бундай қилишга?

— Халқ таълими вазирлиги, — ҳужжатларни кўрсатади Ортикали ака.

— Фойдани нима қиласиз?

— Умумий йиғилиш қарори бўйича саксон фойизи ўқувчилар маошига, йигирма фойизи иш қуролига сарфланади.

— Сизга нима ҳолати унда?

— Аҳир, мен мактабдан маош оламан-ку!

— Ҳм... — дея ўйланга қолади катта инспектор, кейин бўрилиб директорга муножаат қилади. — Хошимжон! Бу одам ўз ҳисобидан шароит яратиб, ўқувчиларга хунарга ўргатаётган бўлса, маош бераётган бўлса, синф хоналарини банд қилишмасан, тагин нима керак сизга? Ўқувчилар ишлаб қараётган махсулотлар сифатига қаранг.

Шикоят қилиш ўрнига фахрланиш лозим эмасми, ўртоқ директор? Бу одамнинг ишини бутун вилоятга ёйиш керак! Шундай қилиб, жазолаш учун келган мансабдор

шахс Ортикали ақани алқаб кетади...

Лекин энг катта эҳтиромни халқ ичидан чиққан оддий бир отахон кўрсатади. Бир йиғинда гап-сўз бўлади:

— Ўқитувчилар ўқитмай қўйди.

— Қаерга қарашапти ўзи булар?..

Шунда Чўмбоғиш маҳалласидан Омонбой деган отахон ўрнидан туриб, Ортикали ақанинг олдида келади. Ўқитувчининг эгилган қоматига бўйини тенг қилиб гап бошлайди:

— Эй, халойик! Мен манови Ортикали домлага таъзим қиламан! Қўриб қўйинлар. Менинг кампирим умрида игна ўшламаган эди, келинларим ҳам кампиримга ўхшаб на тикишни ва на тўкишни билишди. Шундай бўл юрганимизда набираларим менга жемпер, пайпоқ тўқиб беришди. Мана, кўринлар, қийиб юрибман. Уларга: "Ким сизларга ўргатди?" десам, "мактабда ўргатди", — дейишди. "Ким ташкил қилган?" десам, мана бу Зиёнинг ўғлини айтишди. "Отанга раҳмат, сира кам бўлмагин, болам!.. — Омонбой бобо Ортикали акага юз-

ИНСОН БИЛАН ЮКСАЛАР ЗАМИН



раниб, уни бағрига босади. Аслида, энг олий мукофот деганлари шу эмасми? Меҳнатининг самараси мана шу тарзда тан олиниши Ортикали ақанинг дардида малҳам бўлар эди. "Шундай бўлган, нега тузалмаслигим керак? Менда тузалишга умидгина эмас, ишонч ҳосил бўлар эди!" — дейди Ортикали ака.

КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ

1995 йилда Ортикали ака Марказ яратиш ҳаёли билан эски бир бинони сотиб олади. Аммо шу ондаёқ сунъий тўсиқлар бошланади. Ҳўжжатлаштириш учун отнинг калласидек пул сўрашади. Ўша зорманда бўлса йўқ, Бориям бинонинг харидига сарфланган. Нима қилиш керак? Ортикали ақанинг боши қотади. Ахир, ўйлари, режалари нима бўлади, энди?..

Шунда Ҳўжаарик маҳалласидан ёруғлик чиқади. У ёрнинг маҳалла оқсоқоллари тўпланиб бир иш қилишади. Натижада, Ортикали акага кўчмас мулк кадастри идорасидан телефон қилишиб, сизлар ногирон экансизлар, сотиб олган бинонгизни бепул ҳўжжатлаштириб берамиз, дейишади.

"Мўъжизани қаранг! Нарҳини озроқ тушириб беришга унамаган ташкилот раҳбарларининг дилига текинга хизмат кўрсатиш истганини ким солди экан? Бу кўпчилик манфаати учун ишлашга жавоб эмасми?" дея тўқилгандади Ортикали ака. Аслида-чи? Аслида, Ортикали ақанинг Ҳўжаарик маҳалласига бир вақтлар қилган яхшилиги ўзига қайтган эди. Ўшанда Ортикали ака елиб-югуриб ўша маҳаллани газлаштириш ишига бош-қош бўлганди.

Шундай қилиб "Турон" ўқув маркази жадал қурила бошлади.

ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИ

"Давлатимиз ёшлар тарбиясига, халқ таълимига жуда катта эътибор бермоқда. Мен ҳам касбим ўқитувчи эканлиги боис мана шу жараёнга рақобатни олиб кириш, бюджетдан ташқари маблағ жалб этиш орқали камтарона бўлса ҳам ҳисса қўйишни жуда истар эдим.

2005 йилда "Ҳамкорбанк"нинг Асака филиалидан 15 000 АҚШ доллари миқдорига кредит олиб тадбиркорлиқни ривожлантирдим. Марказда компютер саводдонлиги, инглиз, рус тиллари бўйича ўқув, аҳолига компютер ёзуви, нуска қўчириш, компютер ва ортотехникаларни таъмирлаш хизматлари кўчатирилди. Янги иш ўринлари яратилиб, ходимлар сони уч биттадан йигирма учтага ошди. Марказ биносини янгитдан қуриш имконияти яратила бошлади".

Тақдирот

раиси, муфтий Усмоноҳон Алимов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раиси Акмал Саидов, Имом Бухорий халқаро маркази раҳбари, профессор Убайдулло Уватов, Тошкент Ислам университети ректори Раҳман Абдуллаев мустақиллик йилларида халқимизга диний-маънавий мероси-

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

"Турон" ўқувчи ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш марказига, асосан, ногиронлар ишга қабул қилинди. Албатта, аввалига уларга иш ўргатилди. Етарли тажрибага эга бўлишлари билан эса мустақил равишда вазибаларини бажаришга рухсат берилди. "Гулсарахон деган қизимизни фақат бир қўлида ёлғиз бош бармоғи бор. У миҳозларга компютерда ёзув хизмати кўрсатади. Мўъжиза: айтинг, ким ногирон? Ўнта бармоғи билан Гулсарахон ёнида ўтириб хат ёза олмаган миҳозми? Ёки бир бармоғи билан хат ёзиб берган инсонми? Ногиронларнинг меҳнат қилишлари, фойда келтиришлари шариот яратганимдан, қўзлариди бахт ўқунлари порлашига сабабчи бўлаётганимдан мен ўзимни энг бахтиёр инсонман, деб айтаман ва шу йўл

қолибди:

— Қачон қарамайлик, тўрт-бешта шоир, ёзувчини ортингиздан эргаштириб юрганингиз-юрган. Сўрасам, маънавият даргалари, дейсиз. Хайрон бўламан. Бугун нимага керак ўша зиёли тарқатаётган маънавият?

Ортиқали ака ўз феълига яраша босиқлик билан жавоб берибди:

— Сиз ҳар кун иш якунида ҳайҳотдек дўконингизга биттагина кулф осиб беҳавотир ўйингизга кетасиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Йўлда сизга ҳеч ким ҳўжум қилмайди, йўлтўсарлик қилиб пул талаб қилмайди, буям тўғрими?

— Ҳа.

— Ўйга келганингизда оилангиз соғ-саломат сизни қўтиб олади, бир коса ризик-ингизин олдингизга қўйди ва сиз кечаси яхши хордиқ чиқариб, тонгда яна ишингизга хотиржам йўл olasiz. Келасиз, талланмаган, ёқилмаган, ташиб кетилмаган дўконингизни очасиз ва гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдек савдонгизни бошлайсиз, тўғрими?

— Тўғрилика тўғри, аммо буларнинг менинг саволимга нима даҳли бор? — жигибйрони чиқибди дўкондорнинг.

— Шунинг учунки, ана ўша сиз тушунмаётган, тўғривоғи, тушунишни истамайтган маънавият туфайлигина сиз мана шундай соғ-саломат, эмин-эркин ўз ишингиз билан машғул бўлиб юрибсиз, дўконингизни тунашмапти, ўзингизга озор етказишмапти. Сиз назарга илмайтган ёзувчи зотию барча зиёли халқи маънавият элчилари, тарғиботчилари бўлади. Тагини суриштирсангиз, сиз улардан ўла-ўлгунингизча қарздорсиз.

ИНСОН ИМКОНИГА ЧЕГАРА ЙЎҚ

Ортиқали ака ҳаётини, амалга оширган ишларию ёруғ ўйларини ҳар сафар ўйлаганимда, Инсон деб аталган мавжудотнинг жуда кўп юксак сифатлари бир жойда жам бўлаверди. Қаранг, ўзимча шунча гапларни айтибману унинг шахмат билан боғлиқ ҳаётини, ўзининг шахмат бўйича мастерлика номзод эканлигинию бу соҳада неча-неча республика чемпионати қатнашчиларини, ҳатто ғолибларини етиштириб берганлиги ҳақида ломим демабман. У барпо этган, Марҳамат шахри марказига қўрқ бўлиб қўшилган уч қаватли "Турон" ўқув маркази биносининг ажойиботларию Ортиқали ака ихтиро қилган биттагина печь ёрдамида катта иморатнинг барча қаватларидаги ўттиздан зиёд хонани иситишга муваффақ бўлганлиги борасида ҳам тўқталишга имкон топмабман. Ўқув марказида беш-олти ўқувчидан иборат гуруҳ тузиб, синф хонасининг ўзида айланма ҳаракат асосида, компютерлар воситасида янгича ўқитиш усулини жорий этганлиги ҳақида ҳам индамай ўтибман. Бинонинг учинчи қавати тўғрисида туман расмларини марказига айлантирилганлиги, унда кўпдан-кўп қўзни ва қўнғилини яшнатадиган, инсонни фикрлашга ундайдиган расмларнинг борлиги тўғрисидаги гурунгимиз ҳам бошқа сафарга қолибди. Майлида, муҳими улар бор-ку! Борлиги билан ҳам узоқдан бўлса-да, қўнғилимизни ёритиб туради.

СИЙРАТИНГДА ВАТАН ЯШАСИН

Ватан ҳақида кўп гапирамиз, уни севиш, ардоқлаш, ҳимоя қилиш тўғрисида бир-биримизга кўп ўқирамиз, китоблар ёзамиз, буларнинг бари яхши. Лекин Ортиқали ака каби ватандошларимизнинг борлиги, уларнинг қилган амаллари, айтган сўзлари, бошқаларга тирик ибрат эканликлари Ватан ва унинг мазмун-моҳияти борасида энг теран ҳақиқатларни аёнлаштириб туради. "Наҳотки, Ватанни шунчалар беминнат, шунчалар бетакрор севиш мумкин бўлса?!", дея ўз-ўзимга савол бераман ва беихтиёр илдинчи қидириб кетаман... Ортиқали ақанинг отаси 1940 йили совуқ ўлкаларда ҳарбий хизматда бўлган. У поstda уч кун қор остида қолиб кетади. Натижада, оёқларини совуққа олдиради. Врачлар: "Иккаласини ҳам кесамиз, агар кесмасак, сени бу оёқлар ўн беш — йигирма йилдан сўнг ўлимга олиб боради", дейишади. Шунда Зиёвуддин ака: "Сизлар ўн беш йилни айтаясизлар. Мен юртимга ўз оёқларим билан кириб бориб, унинг ойдек жамолига бир бора тўйиб, қўчоғида бир маротаба чўқур нафас олсам, бас, бу дунёдан армонсиз кетаман", деб жавоб қилади ва оёқларини кесишга изн берамайди. Мана, ўша илди, Ортиқали акадаги Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат илдини! Бу дунёда одамларнинг касб-коридан ташқари ўз табияти, феъли, қилиқ-қийфаси, амали, сўзи натижада қозонган алоҳида номи, сифати бўлади. Худди шундай Ортиқали ақанинг ҳам Андижонда бир алоҳида сифати, оти бор — Ватанпарвар! "Наҳотки, Ватанни шундайин севиш мумкин?" дея ўз-ўзимга савол берганимда, энди кўз ўнгимда бунинг мумкин эканлигини бутун ҳаёти билан исбот қилиб келаятган Ортиқали ака каби инсонлар намоян бўлади. Чунки уларнинг сийратига бир қарабёқ Ватанинг нима эканлигини тушунамсан, ҳис қиласан, киши! Сенинг ҳам кўнглингда шундай бўлиш, шундай яшаш ва шундай ёниш тўйғулари жўш уради!

Улғубек ҲАМДАМ

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Халқ ҳўжалиги иншоотлари, аҳоли турар жойларида ёнган хавфсизлигини таъминлаш, газ, электр энергияси ҳамда бошқа ёнғилиш энергетика тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Бектемир тумани ИИБда ёнган хавфсизлиги хизмати, газ таъминоти, электр тармоқлари қорхоналари ва ёнғича қарши кураш жамияти ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Тадбир жараёнида тумандаги барча турар жой масканлари, қўп қаватли уйларида газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига амал қилиниши назоратдан ўтказилди.

Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижада газ ва электр энергиясидан фойдаланишда содир бўладиган техноген фалокатлар олди олинди. Газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолларига чек қўйилди.

Ф.ЎТБОСАРОВ
Бектемир тумани ИИБ Ёнган хавфсизлиги бўлими ходими

БОЛА БАМИСОДИ ГҮЛ

Кўчада ўйнаётган, шўх ўйинлар билан банд бўлган болалар орасида менинг ҳам фарзандларим бор эди. Улар ўйинга берилиб кетганидан мени пайқашмади. Тўхтаб, ўйинларини кузатдим. Дастлаб, тўғриси, эшитганларимни тушунмадим. Улар қандайдир тушунарсиз тилда сўзлашаётганга ўхшардилар.

Болалар кўпчилиги, доира шаклида туриб олиб қўлларини ўртага ташлар, бармоқлари билан ҳар хил шакллари кўрсатиб: "Дондон зики-зика шам шун драка", дейишарди. Қарасам, икки боланинг бармоқлари бир хилда уза-тилгани учун қолган болалар уларнинг бошига чертиб қўйишди.

дир, бир вақтлар ёшлик пайтларимизда ўйнаган ўйинлар кўз олдимга келди. "Ҳозлар, ғозлар, учиб келинлар. Учолмаймиз. Нима учун. Йўлда бўри бор. Тезроқ учинлар" ёки "Оқ теракми, кўк терак, Биздан сизга ким керак? Ўзгача Асад керак".

Биз қўйлаган қўшиқлар ҳам ўзгача эди: "Уччала қиз чиқди арқиб бўйига, Бири пола, бири суибул, бири гул" ёки "Ўзинг кичкина, овозинг яхши, Қани булбулча, бир сайраб берчи. Майли ўртоқжон, майли сайрайман. Қўм-қўқ боғингда, учиб яйрайман".

Болаларимиз бундай ўйинлар ва қўшиқлар борлигини балки

Курончак газетхонадан мактуб

Шу ҳам ўйин бўлдию деб, бошқа гуруҳдаги қиз болаларга кулоқ тутдим. Улар сакрамақоқ ўйнашаётган экан. Уртада сакраётган қизча: "А мана, сингил-сара, Го рита ассингала. Стоп", деди ва кейинги қизга жойини берди. Болалар майдончасининг бошқа жойидаги гуруҳнинг "айтишуви" ҳам диққатини тортди.

Улар айтаётган сўзларини сиз ҳам бир эшитиб кўринг-а:

Бир чол бобо бор эди,

Етти ўғли бор эди.

Еттидан биттаси

Гулнозага зор эди.

Бунини эшитиб, ўйланга қолдим. Бу ўйинлар шунчаки вақтиний ўтказяптими ёки болаларнинг онг ва тасавури шаклланиши учун ҳам нимадир бераптими? Афсуски, болаларни банд этган бу ўйинларни қўриб, саволимга бирор жўяли жавоб ололмадим. Нега-

билишмас. Уларни фарзандларимга ўргатмаганимга афсусландим. Улар сакрамақоқ ўйнашаётган экан. Уртада сакраётган қизча: "А мана, сингил-сара, Го рита ассингала. Стоп", деди ва кейинги қизга жойини берди. Болалар майдончасининг бошқа жойидаги гуруҳнинг "айтишуви" ҳам диққатини тортди.

Улар айтаётган сўзларини сиз ҳам бир эшитиб кўринг-а:

Бир чол бобо бор эди,

Етти ўғли бор эди.

Еттидан биттаси

Гулнозага зор эди.

Бунини эшитиб, ўйланга қолдим. Бу ўйинлар шунчаки вақтиний ўтказяптими ёки болаларнинг онг ва тасавури шаклланиши учун ҳам нимадир бераптими? Афсуски, болаларни банд этган бу ўйинларни қўриб, саволимга бирор жўяли жавоб ололмадим. Нега-

Муассар ИСЛОМОВА



М.АХМЕДОВ олган сурат.

ФАРЗАНДИНГИЗ ЭРТАҚ ЎҚИЙДИМИ?

Кечагидай ёдимда. Ҳали мактабга ҳам чиқмаган эдим. Бир кунни дадамга янги ёдлаган сатрларимни айтиб бердим:

Ада хорманг, ишга борманг,
Мани кўтаринг, асал оберинг.

Бунини эшитган дадам озгина хафа бўлиб:

— Ишга бормасам асални қаердан олиб бераман? Сиз, она қизим, "Ада хорманг, ишга борманг", — деб айтинг, — дея танбёқ берганлари ҳаммиса қўлогим остида жаранглаб туради. Бугун ўша кунларни эсла эканман, меҳрибон дадам болалигимдаёқ меҳнатсиз "асал" бўлмаслигини митти қалбимга сингирган эканлар.

Яқинда "Art flex" нашриётда ўзбек ва рус тилида чоп этилган "Ўзбек халқ эртаклари"ни маъза қилиб ўқиб чиқдим. "Йигит кишига етмиш хунарга оз" эртаги, айниқса, эътиборимни тортди. Алихон исмли болага отаси охириги тилосини бериб, шундай дебди:

— Ўғлим, катта йигит бўлиб қолдингиз, тирикчилигимда савдогарлик сипарини ўрганиб олинг. Мана, сизга оз тилло, қарвон билан йўлга тушинг. Фақат бу тиллоларни ақл билан ишлатинг.

Алихон эса бирор хунарга эгилганини, ўз меҳнати билан кун қўришни истарди. Савдогарликни ёқтирмади. Йўл-йўлакай отаси берган охириги тиллони ҳам илм олиш, мусиқа ва шахмат ўрганишга сарфлайди. Охир-оқибат у билимдон, меҳнатсевар, обрў-эътиборли инсон бўлиб етишди. Ҳатто бошқа юртларнинг подшоҳлари унга ўз тахтию давлатини беришга тайёр бўлишади. Бироқ Алихон:

— Мамлакат ўзингизнинг қўлингизда гуллаб-яшнаган. Мен эса ўз юртимга қайтиб, халқимнинг саводини қиларсам, мусиқадан сабоқ берсам, дейман, — дея жавоб беради. Отасининг ҳўзурига бой-бадавлат йигит бўлиб қайтади.

Бу эртакни ўқиган бола қалбида, шубҳасиз, илм олишга, хунарга ўрганишга меҳр ортади. Алихондан ибрат олиб, унга ўхшашга ҳаракат қилади. Ҳамма гап ана шунда.

Бироқ айрим эртаклар хусусида бундай деб бўлмайди. Баъзи асарларда қаҳрамон "куф-суф" деса, бас, ҳамма нарсаси муҳайё бўлади ёки сирли тақча ёрдамга келади. Эртас қаҳрамонни меҳнат қилмай, бош қотирмай бойиб кетади. Бу ўқувчини тайёрга айёрликка ўргатиб қўймайди?

Китобдаги "Кулса гул, йиғласа дур" эртаги менда шундай таассурот қолдирди. Ҳисоб-китобни билмайдиган тиланчининг бир зумда бойиб кетиши ғалати. Унинг фарзанди йиғласа, қўзларидан ёш ўрнига дур ёйлади. Бу каби ғўзал дурлар хатто подшоҳлар хазинасида ҳам учрамасан. Бундай эртаклар, менинг назаримда, кичкин-тойлар фикрини қалғитиб, уни дағсаса, ишқемас қилиб қўяди.

Биз фарзандларимизни ёшлагидан меҳнатга ўргатамиз, узундан-узун насихатлар қиламиз. Меҳнат завоқи ҳақида тўқилганиб сўйлаймиз. Шундай экан, ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган митти юракларга тескари таъсир кўрсатадиган эртакларни ўргатмаган яхши эмасми?

Ҳайламанки, ноширларимиз бундай ҳолларга бефарқ бўлмайдилар. Не

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида матишунос Абдусаттор Жуманазаров «Мабдаи нур» ва калаванинг икки учини» сарлавҳали мақоласи (2010 йил 3 ва 17 сентябр сонлари) босилиб чиққанидан сўнг Машрабнинг «Мабдаи нур» асари атрофида қизгин мунозара кечадигандек туюлган эди. Кўп ўтмай, газетонлар эътибори улуғ шоиримизнинг таржimai ҳолига оид айрим маълумотларга қаратилдики, ушбу мақолани ана шу мавзуга муносабат билдиришдан бошлашга қарор қилилди.

Матишунос А.Жуманазаровнинг галлаги мақоласи «Матн ва ... бутун саволга ярихта жавоб» (2010 йил 22 октябрь сони), машрабшунос олим Эркин Мусурмоновнинг «Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳолат йўқ» (2011 йил 14 январь сони) мақолалари мухлисларни бефарқ қолдирмади, деб ўйлайман. Улар, жумладан, Машраб таржimai ҳолига оид маълумотларни истифода этишда талқинчиликларни боши берк кўчага киритиб қўйган эски муаммолар ҳақида фикр юритишган. Натижада машрабшунос Муҳсин Зокиров «кашиф» этган тазкирани Исҳоқ Боғистонийнинг Шоҳ Машраб ҳақидаги хотиралари ва унинг «Тазкирани қаландорон» асарини илмий истеъмолга яроқсизлиги исботлаб берилди.

Машрабшунослар назарида энг чалқаш ҳисобланган шоир таваллуд (1640 йил)дан то Офоқ Хожа ҳузурига жўнашигача бўлган даврни йилма-йил босқичларга ажратиб кўрсатиб берган Э.Мусурмонов мақоласи, назаримда, бу мавзудаги мунозараларга энди чек қўйди. Мақолада муаллиф профессор Абдурауф Фитратнинг «Машраб» мақоласидан келтирган иқтибоси алоҳида эътибор талаб этади. Гап шундаки, ҳозиргача машрабшунослар назарида Шоҳ Машраб ҳақида энг ишончли маълумот берган манба Малеҳо Самарқандийнинг «Музакирул-асҳоб» мақоласи эди. Фитрат домланинг ёзишича, Малеҳо Самарқандий асарини Машрабни танимасдан аввал — 1689 йилда ёзиб битирган. «Машраб қаландар Раҳимбобонинг тахаллуслари», деб бошланадиган матнни эса Малеҳо шоир билан учрашгач — 1691 йилда ўз асарига илова тарзда ёзиб киритгани маълум бўлади. Машрабни «андулгондан эди», деб маълумот берган илк манба ҳам, алаҳмасам, шу тазкира эди. Энди тасаввур қилайлик, ўзининг кўпгина шеърларида «Намангон фарзандиман» деб ёзган Машраб ёши элликлан ошганда Малеҳога андигонлик(андижонлик)ман, дейиши

мантиққа зиддир. Қолаверса, Машраб йилгит ёшида биринчи марта Малеҳо Самарқандий билан таникли шоир сифатида учрашган бўлса, у албатта, тазкиранинг асл матнида тилга олинган бўлув эди. Шундан кўринадики, «Музакирул-асҳоб» тазкирасига Машраб ҳақида аниқ маълумот берувчи энг ишончли манба, деб қараш ҳам тўғри бўлмади.

Машрабнинг туғилган йили ҳақидаги фикрлар ҳам мухлислар, айниқса, А.Жуманазаров тўғри таъкидлаганидек, имтиҳон топишаридан талаба-ёшларни адаштирилган даражада хилма-хилдир. Профессор И.Абдуллаевнинг ёзишича, академик шоиримиз Фағур Гуломнинг «Икки Машраб» мақоласи эълон қилинган 1959 йилгача бўлган барча манбаларда, жумладан, Фитратнинг 1930 йилда чиққан «Машраб» мақоласида Машраб 1640 йилда Наманганда туғилганини қайд этилган. Профессор Н.С.Ликонин Намангандан олган манба асосида Машрабнинг туғилган йили 1640 йил эканлиги, вафоти йили номалумлигини ёзган эди. Адабиётшунос олимлар В.Абдуллаев, А.Ҳайитметов бу санани 1657 йил деб белгиләдилар. Жалолиддин Юсупов 1653 йилда туғилган, деб ёзди. Фикримча, «Музакирул-асҳоб» ва илмий манба сифатида йўқ ҳисобланган «Тазкирани қаландорон»га таянган олимлар шоир таваллудни санасини белгилашда хато қилганлар.

Профессор И.Абдуллаев Машраб мухаммасиди «Ёши етмиш бирга етган банди радди фалак, Мору каждмлар билан тўлган дилига рай-бу шак» мисраларига таяниб, шоир бу шеърини ҳижрий ҳисоб билан 69 ёшида қилган, вафотидан 2 йил аввал ёзганини айтди. Машрабшунос Э.Мусурмонов ҳам ўз мақоласида шу фикрни тасдиқлайди. Ҳозирча бу нуқтани назарни ишончли тарзда рад этуви бошқа далилга эга эмасмиз.

Қамина А.Жуманазаровнинг «Мабдаи нур» ва калаванинг икки учини» мақоласи юзасидан ўз мулоҳазаларини иложи борида мухтасар шаклда «Мабдаи нур» кимнинг асари? мақолада ёзиб, таҳририятга топширган эдим. Тахминимча, А.Жуманазаров ва меннинг мақолаларимиз юзасидан бирор-бир машрабшунос ёки олдий газетон фикр билдириши керак эди. Лекин орадан бир мунча вақт ўтгач, мақолам А.Жуманазаровнинг «Муқаддима — асарнинг бош сўзи» сарлавҳали жавоб мақоласи билан бирга чоп этилди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2011 йил 21 февраль сони). Шундан кейин А.Жуманазаров мақоласидаги бошқа

талқинчилик фикр билдириши керак бўлган мунозарали ўринлар ҳақида ҳам ёзишга тўғри келди.

«Мабдаи нур» асари қўлемларида бериладиган сўзбошнинг Машрабга нисбат берган эдим. А.Жуманазаров бу дъвоининг асосли эмаслиги ҳақида ўз жавоб мақоласида атрофлича фикр юритибди. Талқинчи ҳақ, Лекин «Мабдаи нур»да Машрабнинг устози Офоқ Хожа номи келтирилган, Машраб тахаллусларидан бири Маҳдий ҳам қайд этилган, шоирнинг севибли қаҳрамони Маншур Ҳалложини ҳамда анахдақидики улуғворчи жиҳатлар акс этган шеър мисраларни келтирган, «Мабдаи нур» ва «Қиссаи Машраб»даги ҳамоҳанг жиҳатлар ҳақида ишончли далилларни кўрсатиб ўтган эдим.

“БИР БАҲОРЕ ТОП, ҲАЗОНИ БЎЛМАСУН”

Лекин ҳурматли А.Жуманазаров бу жиҳатларга жавоб мақолада умуман эътибор бермаган. Қўйида «Мабдаи нур» Машраб асари эканлигига шайҳодат берувчи қўшимча маълумотларни келтиришни лозим топдим. Шояд улар эътиборсиз қолмаса.

1. Жалолиддин Юсупов тузган Машраб «Девони» («Янги аср авлоди», 2006) сўзбошисидан: «Хатм бўлди «Мабдаи нур»и тамом, ҳам битгани Холиқул-Ҳайлоқ аззам» сатрлари билан ниҳояланувчи каттагина шеърини иқтибос бор. Унда Раҳимбобо Машраб Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»и шарҳига қандай киришгани ва китобни қандай ақунлагани ҳақида ҳикоя қилади. Шундан кейин Машраб «Мабдаи нур» охирида «Маснавий»дан 66 байтни шарҳлагани тўғрисида маълумот беради. Бу иқтибослар Ж.Юсупов қўйидаги «Мабдаи нур» қўлемаларидан бирига мансублигига шубҳа йўқ.

2. Шоҳ Машраб ғазалларидан бирида: «Мавлавийнинг баҳридин олдига бу Машраб қатрае, Қатрани дарға қўшмоққа не бўлғай маслаҳат!» дейилади. Бу, фикримча, асарини ёзишга киришганидан аввал қилган шеър бўлиб, бунда шоир Жалолиддин Румий ҳазратларидан олган қатрлар-байтлар ҳақида сўз юритапти.

3. Профессор И.Абдуллаев Шарқшунослик институти китоблар хазинасида мавжуд бўлган «Мабдаи нур» нусхаларидан 9таси илмий тавсиф қилинган ҳақида ёзган эди. Улар уруш йилларида Тошкентга келиб қолган рус олимлари ва ўзбекистонлик талқинчилик томонидан бажарилган. Тавсифларда «Мабдаи нур» муаллифи Машраб тахаллуси билан машхур Мулло Раҳимбобо Девона Намангоний эканлиги қайд этилган.

4. Мазкур институтида 225-рақамли «Девонаи Машраб» қиссасининг 2-варигада «Машраб беш китоб тасниф қилган эдилар», деб Умар, Риндий, Маҳдий, Машраб ва Мабдаи нур номлари зикр этилган ёзув бор. Буни англаш учун Маш-

Шўро тузуми даврига келиб, аввалдан дин пешволари қарши қурашчи, исёнкор ва даҳрий шоир сифатида тақдим этилган Шоҳ Машрабни қизил мафкура манфаатларига мос равишда ўша ҳолда сақлаб қолиш керак эди, шексиз. Бу масалала рус шарқшуноси Вяткинни Фитратдан бошқа ҳеч ким танқид қила олмади. Шунинг учун «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари биз мақтаётган Машрабники эмас, дейиш осонроқ эди. Бундай вазиятда на Ҳофиз Рўзбой шеърини топиб олган заҳматкаш талқинчи Пулатхон домла Қаюмовнинг 2-варигада «Машраб беш китоб тасниф қилган эдилар», деб Умар, Риндий, Маҳдий, Машраб ва Мабдаи нур номлари зикр этилган ёзув бор. Буни англаш учун Маш-

Лекин «Бир баҳоре топ, ҳазони бўлмасун», дея Истиқолимиз баҳо-

гани, қабр тошида вафоти ҳижрий 1287 (милодий 1871) йил эканини билган биз учун янгилик бўлди. Шунингдек, фарзандлари «Домулла Жамолдидин валади Домулла Рўз» ва «Шамсиддинбой валади Мулла Рўзбой» ҳам ул зотнинг ёшларида мафдун эканликлари эътиборлидир.

Аввалдан маълум манбалардан, Абдусаттор Жуманазаров мақоласидан ҳамда шоирнинг бир таркиббанди, бир ғазали ва шу ғазалга ёзилган бир мухаммасидан аён бўлишича, шоирнинг асл исми Мулла Рўзбой. Машрабга эргашгани ва унга қатта эҳтиром сабабли бир шеърда ўзини Машрабни соний (иккинчи Машраб), деб атайди. Лекин бу бирикма тахаллусини аниқлаш мумкинми? Балки мумкин-дир, ушбу тузуккина шеърлар ёзиб қолдирган, ёзганларини китобат қилгани тортирган ва шоирлик дъво қилмаган зиёли юртдошларимиз кўп бўлишган. Шунинг учун Мулла Рўзбойни улуғ шайхлар хизматига юрган фидойи солиқ, деб қараш тўғрироқ бўлар.

Мақола муаллифи ёзганидек, Мулла Рўзбой 1785-1790 йиллар орасида туғилган. Лекин унинг «Етти ёшдан беҳазрат эмас» сатрларига қарайилган бўлса, шоир худди ўша 1790-1800 йиллар оралиғида унган (Ёрмухаммад Насафийдан — А.Ж.) илк тарихат сабогини олади». Ё рабий! Эриктиладий 1790 эмас, айталик 1785 йилда туғилган, ҳали Қуръон, ҳадис, шарият илмларидан бебаҳра бола қандай қилиб илк тарихат сабогини олади?!

«Устозлари бу девонаи дарवेशнинг ҳаракатларини қузғатади, заъкланади. У Мавлавий Румий изини қалам-бақадом тақорлашга ҳаракат қилади», деб хабар берган мақола-нинг жиддийроқ қўздан кечирсангиз, Мулла Рўзбой юқорида айтгани-миздек, домла Жалолдидин ва Шамсиддинбой исмли фарзандларнинг отаси. Жалолдидин 1809—1810 йилларда, яъни Мулла Рўзбой 19 ёшидагида туғилган бўлиб чиқади. Энди бугунга эътибор қилинг: «Жалолдидин Маҳдум оилада тўнғич ўғил, аммо бош фарзанд эмас». Дейилмоқчи, унинг опалари ёки бир опаси ҳам бўлган. Демак, Мулла Рўзбой 16-17 ёшларида уйланган бўлиб чиқади. Шу ёшда уйланиб, ували-жували бўлган Мулла Рўзбой қандоқ қилиб «девонаи дарवेश» бўлинув қай тахлит ҳазрати Румийга пайравлик қилсин?!

«Олдимга кел» мухаммиси 1865 йилдан кейин ёзилган ва «Мабдаи

нур»нинг якуний қисмидир», деб ёзди Абдусаттор Жуманазаров. Лекин мақола муаллифи «Мабдаи нур» асарининг илк нусхаларидан бири ҳижрий 1239 йил (1824) қўйрилганлигини ҳисобга олсақ, Рўзбой Машраб тахминан 1795—1805 йиллардаёқ (10-15 ёшларида — А.Ж.)

ўзбек тилида шеърлар ёзганини эътироф этишга тўғри келади», деб таъкидлаганига эътибор берайлик. У ҳолда 1865 йилдан кейин ёзилган «Олдимга кел» мухаммиси қандай қилиб қамла 41 йил аввал қўйрилган «Мабдаи нур»нинг якуний қисми бўлиб қолди?

Шеърини ижод билан шугулланганига энди 15 йил бўлган Мулла Рўзбой «Мабдаи нур»дек фалсафий асарини ёзиши (аниқроғи айтиб ёзириши) мумкинми? Балки мумкин-дир. Бироқ «Мабдаи нур»дан олган қуйидаги байтларга эътибор қилган киши уларни навқирон ёшдаги Мулла Рўзбой ёзганими ёки «Гушаи узлатни олим, юз ёшурдим халқдин», дея хилватга чекиниб, ўз фалсафий асарларини яратишга киришган 60 ёшлардаги Шоҳ Машраб битганими — осонгина аниқлаб олади.

Мана бу мисраларни эса уйланиб, қатор-қатор бола-чақа қилиб, пири бадавлат умр кўрган ҳофиз Рўзбойники эканлигига ишониб бўладими:

Биров фарзанди доғида,
биров муштоқи дунёда,
Фароз ҳар дила бақтим,
ҳеч вақти бежаҳодат йўқ.

Улуғ пири муришлар этганини маҳкам тутган 25-30 ёшли Мулла Рўзбой қуйидаги байтни битишга устозларидан уялган бўлув эди:

Юрритган тобутимин
истиқомат қолмади манда,
Қани ул гавис қомилларки
ҳаргиз йўқтур осори.

Қамина мақолада келтирилган «Солиҳ, соҳибназар Машраб Мулла Рўзбой» мисрасида «Мабдаи нур» асарини ёзганман, деган одамани эмас, Шоҳ Машраб руҳониятидан фойда топган — Машраб назарига етишган солиҳ Мулла Рўзбойни қўриб турибман. Ул зот бисотидаги учала шеърда ҳам «Мабдаи нур» муаллифининг дъво қилганига ўхшайди. Шунинг учун улар таҳририга киришни шарт эмас. Мақола муаллифи «бу шеърлар мазмунини «Мабдаи нур» ҳақиқатдан ҳам Рўзбой Машрабга тегишли дейишга бизни мажбур этади», деган фикрнинг ўзгартириши учун шу далиллар етар.

Абдулла ЖАББОР

Наманган

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЛУГВЕРЛАНГАН АДИБ

Япон адабиёти энг тараққий этган адабиётлар сирасига кириши. Шу боис, бу адабиётга қизиқиш дунёда жуда кучли. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида кунчиқар мамлакатнинг қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги давригача бўлган адабиёти ўқитиладди. Шунингдек, ҳозирги замон япон алиблари ижоди ҳам нафақат Япониянинг ўзидан, балки Европа мамлакатларида ҳам кенг ўрганилиб келинаётган. Бу адиблар орасида ўзига хос ўрин тутган, япон адабиётида реализм, модернизм йўналишлари ривожига муносиб ҳисса қўшган, таниқли адабиётшунос олим, машхур романлар муаллифи, ёзувчи Нацумэ Соусэки(1867 — 1916)нинг ижодий фаолияти биринчи жаҳон урушигача ва ундан кейинги даврларни ўз ичига олади. Соусэкининг ижодини белгилаб бер-

бўлди», деб ёзди адиб. Шундай бўлса ҳам, бир неча йилдан кейин боқиб олган ота-онаси ажрашиб кетишгач, Нацумэ яна ўз оиласига қайтиб боради.

Нацумэнинг ғамгин болалиги унинг хотирасида муҳрланиб қолди. У ўзи бошладан кечирган азобларни тез-тез эслаб турув, бу том маънода унинг ижоди ривожига туртки беради.

1890 йил Нацумэ ўрта мактабни тугатиб, Токио университетининг инглиз тили филологияси факультетига ўқишга кириди. У мактабда ўқиб юрган пайтларида шеърлар ёзган, хитой тилидан таржималар қилар ва шу билан бирга мустақил равишда дунё халқлари адабиётини ўрганади. Бундай уринишлари натижада ёзувчи: «Жамиятда эркинлик ҳукмрон бўлиши учун инсонлар орасида тенг ҳуқуқчилик, ўзаро

бирдорлик бўлишига замин яратиш керак, бу эса адабиётнинг вазифаларидан биридир», деган фикр-га келади. Соусэки ўзининг

адабиёт тўғрисидаги фикрларини жуда гўзал ва ажойиб тарзда «Санширо» асари қаҳрамони тилидан баён қилади: «Адабиёт — жамиятнинг олдинга ҳаракатлантирувчи куч демакдир». Университетни тамомлагач Нацумэ ярим йил Токио педогогика университетига да инглиз тилидан дарс бериб, кейин Шикокудага Мацумэа кишлоқчасида ўрта мактаб ўқувчиларига япон тилидан таълим бера бошлайди. Адиб Токиодек гавжум, усиз ҳам ўқитувчилар етарли бўлган шаҳардан кўра Мацумэани ўзи учун қулай ҳисоблар, бу жойни ўзини адабиётга, ижодий фаолиятга бағишлаши учун айни мулоа, деб билиди. Бу ерда янада юрган вақтда у ўзининг машхур «Болакай»(1906) асарини яратди. Асарда ёш ўқитувчининг тақдирини, унинг пойтахтдан узоқ ердаги ҳаёти, ҳамкасб ўқитувчилар орасидаги сохталик, ҳушомал-гўйлик, лаганбардорлик каби иллатлар содда, ҳиллағарликдан мутоқоқа беҳабар «Болакай» учун бегоналиги ҳақида сўз юритади.

Ёзувчининг Лондонда кечган икки йиллик ҳаёти ютуқларга бой ва самарали йиллар бўлди. У ўқин давомида инглиз адабиётини астойдил ўрганиб, охириг бир йил мобайнида машхур шекспиршунос олим, профессор Крейг билан ҳамкорлик қилди. Шунингдек, умумий адабиётшунослик билан ҳам шугулланиди. Адибнинг талқинчилик натижаси унинг илмий кенгашларда сўзлаган «Адабиёт ҳақида» ва «Адабиётда танқидий образ» номили маърузаларида ўз аксини топган. Бир маърузасида у қуйидаги эпиграфини келтирди: «Менинг фикримча, адабиётнинг психологик ва социал нуқтани назардан талқин қилсақ, у юксалишда ва тулғаб яшашда давом этади». Нацумэ ушбу фикри билан адабиётшунослик учун энг ўринли ва долзарб бўлган қарашни илгари сурган эди.

1903 йилнинг январ ойида Нацумэ Токио университетининг доценти унвонини олиб, талабаларга адабиётдан маърузалар ўқийди, 1907 йилдан эса, Японияда чиқадиган энг йирик «Асахи шинбун» газетасида бош муҳаррир вазифасида ишлай бошлайди. Айни пайтда у ўзини нафақат

ўқитувчилик фаолиятига, балки ижода ҳам бағишлайди. «Хатоготисү» журналининг бош муҳаррири Кёши Такахама унга очерк ёзишни таклиф қилади ва кўп ўтмай адиб журналга «Сизнинг содиқ қўлингиз — мушук» номили асарини тақдим этади. Роман китобхонлар томонидан

“Ёшлар овози”

завқ-шавқ билан қутиб олинади. «Тўрт ҳафта мобайнида тўрт йилда ҳам содир бўлмайдиган даражада «Хатоготисү» журналининг барча нусхалари сотилиб кетди», деб ёзганда ўшанда газеталарнинг бериладиган хабарда.

«Сайёҳ»(1912) асарига эса муаллиф тақдирнинг барча ситамларига мардонавор бардош берган, оғир дамларда кўз ёшларини ичида ютиб, қулиб юришни касб этган япон адибининг жамиятда тутган ўрни, орзу-интилишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Адиб 1914 йили Японияда қатта шов-шувга сабаб бўлган «Кокоро» («қокоро» — қалб, лекин япон тилида бу сўз бир неча маънони: «сез-гир ва паршон қалб», «ҳақиқат изловчи қалб»

маъноларини англатади) асарини «Асахи шинбун»да давомли тарзда эълон қилдилади. Романда қаҳрамонлардан бири ўз дустига сотқинлик қилади, оқибатда дустини ўз жонига қасд қилади. Мана шу ўринда ёзувчи: «Қай бири ҳақиқатли: руҳдан ўлишни ёки жисмонан?», дея савол беради ва руҳдан ўлиш ҳақиқатли эканини таъкидлайди. Ёзувчи ушбу асари орқали инсонлар ўртасида ўзаро ишонч, меҳр-оқибат, инсонийлик хислатлари ҳар доим зарурлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Японияда «Нацумэ йиллари» деб аталган ўн бир йиллик даврда чоп этилган унинг «Санширо», «Кейин», «Ёшм», «Гиеҳдан асалган ёшм», «Қалб», «Долқизғилқоқ», «Қонин», «Ёрулти ва қоронғулқ», «Ҳали тугалланмаган Ҳиган», «Икки юз ўн кун», «Болакай», «Майин эстан куз шамолли», «Тунгити туш» каби асарлари миллионлаб ўқувчиларни ўзинга тор этди.

Дарҳақиқат, Нацумэ Соусэки халқ дарлинини куйиқиси эди, ўзининг барча асарларида инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳаллолик, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат каби юксак қадриятларни улуғлади. Жамият ривожига, халқ фаровонлигига бундай қадриятлар нақадар муҳим ўрин тутганини кўрсатиб, уларни ишончли образлар орқали ёритиб берибди.

Нацумэ Соусэки ижоди япон адабиётининг жаҳон миқёсида тан олинлишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Адиб япон миллатига ҳос сабр-тоқатли, матонатни, куч-шеҳватни, метини иродани, шарқона ақл-шуурни, содиқатни, жозибаси асарларига синдирган экан, воқеалар ривожига япон миллатининг қадимдан яшаб келётган қадриятларини усталик билан боғлай олди.

Надира АМИНОВА,

Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари катори миллий адабиётимиз ва матбуотимиз тубдан янгилади, ўзининг юксалиш босқичига қадам қўйди. Ватан мустақиллигини орзу қилган аждодларимизнинг армонлари бу дорилмоном кунларга келиб ушалди. Бугунги озод юрт фарзандлари Истиқлол йилида олиб бориладиган тенгсиз курашлар тарихини, миллат маърифати учун ўз ҳаётларини бағишлаган атоқли мураббийлар фаолиятини қанчаллик чўқур билсалар, улар кўз ўнгига мустақиллигимиз ўзининг бор улугворлиги билан на-

моён бўлади.

XX аср бошларида янги адабиёт ва матбуотнинг шаклланишида Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби ижодкорлар миллат мураббийлари сифатида майдонга чиқдилар. Бироқ бу даврда овози ҳар бир кишининг қулоғига етadиган, миллатнинг дардини ҳар бир фуқарога етказиб, унинг фикр-ўйини жаҳон янгиликлари билан боғлайдиган яна бир беминнат мураббийга эҳтиёж туғилди. Аср бўсағасида бундай муаллим сифатида ўзбек матбуоти юзага чиқди. 1906 йили «Тараққий» газетасининг таъсис этилиши натижасида дунё янгиликларини ўзбек хонадонига кириб келди ва бу ҳодиса мамлакат тараққиётига муҳим аҳамият касб этди. «Туронда ёппасига ҳабарсизликка қарши жанг» энг муваффақиятли суратда олиб борган нарсаси ростдан ҳам газетаси, босма китоб ва журналлар бўлди. Тараққийпарварларимиз газетаси миллатнинг қиёфасини шакллантирадиган тенгсиз мураббий эканлигини тез англаб етдилар» (И.Гафуров, «Мангу латофат», 2008, 60-бет). Миллат фидойилари матбаачилик ишига киришиб, «Ойна», «Садойи Туркистон», «Хурият» ва бошқа газетаси-журналларни таъсис етдилар.


«Хурият» газетаси атиги бир йил (1917 йил 16 апрелдан 1918 йил 30 апрелгача) фаолият кўрсатган бўлсада, ўзининг 87 та сонидан ана шу ўзгаришлар даврининг энг муҳим хабарларини аҳолига етказиб, унинг ривожланишига муносиб ҳиссасини қўша олди. Дастлаб газетасига Ақобир Шоҳмансур (1-8 сонлар), Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода (9-26 сонлар) муҳаррирлик қилган бўлса (Б.Дўстқо-раев, «Ўзбекистон журналистаси тарихи», 2009, 282-бет), 27-сондан муҳаррирлигини Абдурауф Фитрат ўз зиммасига олди. Мана шу даврда газетанинг девяри ҳар бир сонидан унинг бирор хабари, шарҳи, маълумоти, шеъри ва соҳмаси эълон қилиниб турилди. Бу асарларда адиб ҳам ўқир публицистик сифатида, ҳам сиёсий шарҳловчи, ҳам шоир ва журналист сифатида ўз маҳоратини намойиш етди. Асарларининг мавзуси

МИЛЛАТ МУРАББИЙЛАРИ

ранг-баранг, жанрлари ҳар хил бўлсада (жами 41та асар), улар зиллиларнинг уйғонишига туртки берадиган маърифий руҳ билан сўғорилган эди. Фитрат мақолаларида Европанинг Шарққа нисбатан муносабати («Англиз ва Туркистон»), Россиянинг мустамлакачилик сиёсати («Сиёсий ҳоллар»), юртдошларимизнинг оғир ахволи («Бухоронинг ҳоли») каби масалалар ўз аксини топди.

Маълумки, ҳаёт ва тараққиёт янгилишини ҳисобига яшайди. Туркистоннинг XX аср бошларида тараққийётдан ортда қолиши дунё тамаддунида ҳабарсизлигига эди. Европада илм масканлари қўли билан 5 йил ичида олий таълим бериб улгурса, мамлакатдаги эски усулдаги маориф тизими 19 йил тахсил билан шугулланишни талаб етadи. Шунинг учун маориф соҳасидаги ислохот кун тартибда турган асосий масалалардан бири бўлди. Мадраса таълим тизими янгилишини учун янги мактаблар очиб «(Мактаб керак-), ўқув юртлари барпо этиш ва улардан фойдаланиш учун янгица дастур ва қўлланмалар керак эди. Бу масаласи миллат мураббийлари аср бошиданоқ киришган, уларнинг нафақат ўзбек матбуотида, балки хорижда эълон қилинган мақолаларининг асосий йўналишини ҳам илм ва маърифат ташкил қилар эди. Кобулда форс тилида нашр этилган «Сирокул-л-ахбори афғония» («Афғонистон нури хабарлари») газетасида Фитратнинг «Тараққий ва тажадуд» («Тараққиёт ва янгилишни», 1913 йил 15 ноябрь) мақоласи эълон қилинган. Мақолада қаламга олинган асосий масала миллий тараққиёт ва унга ҳақлиқ бераётган жаҳолат эди. Тараққиёт ҳар бир жамиятга хос бўлган яшаш қонуни эканини асослаб кўрсатган муаллиф янгилишни қараёнда тараққий этган мамлакатлар билан бирга қадам ташлашга ҳаракат қилмаслиқ охири-оқибатда таназулга олиб келиши мумкинлигини айтadi. Мақолада Фитрат хорижда икки хил китоб дўкннларини учратганини ёзadi. Улардан бирида эски, вақарлари титилиб кетган к

Икром ОТАМУРОД



Куёш юз кўрсатар ҳар кун бошқача,
Куну тун ўзгарар: қисқа ё узун.
Хатто сўқут босиб ётган тошгача
Тусланар ейланиб, эйланиб, тўзиб.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

Ҳавонинг авзойи турларан дамла,
Лаҳзада ўзғариб боради иқлим.
Ёғин адо, ёғин пайдо қадамда,
Дарёлар гоҳ қайранг, гоҳ сувга лим-лим.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

Тоғлар баландлайди, тоғлар пасаяр,
Суянг-қояларин қурб мўрт тортиб.
Ой нури тўлини, ой нури сусаар,
Қўқ зеби — юлдузлар жилваси ёрти.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

Ростлар ёлғонларга ён босар гоҳи,
Гоҳида ёлғон ҳам ростдай чоғларан.
Вақт арқонин йўриб, йиғириб эҳ-ҳе,
Қувончга боғланар, ғамга боғланар.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

Бўйига, зига маҳлиё, сахтли,
Не қалъа, қўрғонлар мункаяр нураб.
Давронлар, бойликлар чанг, ғубор тахлит
Шамоллар измида улар чирпираб.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

РУҲДА ТОМИР ОТГАН УЛКАН ҲАҚИҚАТ

Манзиллар, маконлар ҳаддини йўниб,
Бетоқат юғулар қўнимсиз йўллар.
Ортда қолаверар армонга дўниб,
Умр косасидан тўқилган йиллар.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

Ўзгарар ихлослар, қарашлар пай-пай,
Узилар метиндай рингталар... Фақат...
Мўғжалари бўлғу собит дарахтдай
Руҳда томир отган улғу Ҳақиқат —
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

Юрагингда қадр уйғонсин
Ҳам гурурлар уйғонсин онгда.
Шаббодалар меҳрига қонсин
Отаётган нурафшон тонгда.

Кангунг қамуг, занжир эшиги,
Илгагин еч, ўзининг тани.
Ки, қадриб ўзлик бешиги,
Ки, гурурлар хурлик Ватани.

Рухининг сез, руҳинга эрк бер,
Ҳисларингда бойланган кушлар
Қўйвор учсин, қўйворинг бир-бир,
Хуморларга айлансин тушлар.

Муқаддас хотиранг сасидан
Сезгум букик, азотлигини.
Умдларинг харишасидан
Излайман руҳ озодлигини.

Юрагингда қадр уйғонсин
Ҳам гурурлар уйғонсин онгда.
Шаббодалар меҳрига қонсин
Отаётган нурафшон тонгда.

Тилинг айтмасин, қўй, нйманма зинҳор,
Менга не дейишинг кўзларинг айтсин.
Кангунг мажмар этган кўзларинг, дилдор,
Ниқ битигини энг гўзал байти.

Минг қилса-да тилинг ўтрукка йўйиб,
айлангирар шафқ изҳор роишини.

Кўзларинг, Кангунгма тўқар бор бўйи
кангунг кечимини менга қайишиб.

Гоҳида гудраниб, гоҳида арот,
тилинг мушқул ҳолга солар сўзларинг.
Висол соғинчини баён этиб рост —
кангунгнинг гавридан боқар кўзларинг.

Тилинг айтмасин, қўй, нйманма зинҳор,
менга не дейишинг кўзларинг айтсин.
Кангунг мажмар этган кўзларинг, дилдор,
ниқ битигини энг гўзал байти.

Йўллар чекалайди,
Бўлмайин ҳалак.
Сенга етказишни қўрмайди раво.
Кангунг қаватида ҳўсинган лак-лак
Соғинч шодасига қилмайди парво.

Манзиллар зигирча ёнмасар роишин,
йироқ олиб, ўзин тортгани-тортган.
Айролик нақшига бериб оройиш
кангунгма ғамларини ортгани-ортган.

Сени ўйлаб, қўксим гуллари сўлса, начора?
Умдларим — ҳижрон озуғи.
Кангунгма мулк англиг битилган бўлса,
бу дунёда сени кутиб ўтиш ёзуғи...

Тун.
Кўкка кўтарилди учоқ.
Учди булутлардан баландга чиқиб.
Учоқ оймасдан термулдин мафтун
Тип-тиник осмонда кезаётган ойга.

Сен — умид эдинг, аввал,
сўнгра, соғинчга дўдинг.
Ҳижрон етди бир маҳал,
кейин, хотирга қўдинг.

Учру йўлида бир-бир
ўтди бари. Қўдим, мен.
Не қилайинки, охир,
Хаёл бўлиб қолдинг, сен?!

Дилбар ҲАЙДАРОВА



ТОҒ ЙЎЛИ

Тоғ йўли дарода этим жунжикар,
Қадамим унайди сира илгари.
Тоғда ҳаво етмас, қулоқларим қар,
Хаёл чопаверар тойлар сингари.

Ичимга тўқилар қўз ёшларим жим,
Кетяман тошларга уриб оёқни.
Қисирлатиб тикан босишим мумкин,
Найдай лабга босиб йўлда қиёқни.

Тоғнинг йўлларида дарахтлар саф-саф
Ватаним қўриқлаб бораётгандай.
Медалар бўйнига илинган салаф
Бир умр шохларин қучиб ётгандай.

Майсалар исёндай бўй чўзар кўкка,
Зарпечак сарғаяр унга чирмашиб.
Мен майса қошида тўшаман чўкка,
Олма тўқилгандай ер-ла сирлашиб.

Сирлашиб, тиллашиб кўтарурман бош,
Этагимдан тортар ўту ёшларан
Қўқдан бор оловин пуркайд қуёш,
Афсуслиб қолдим гўзал бу дундан.

Минг йилларга лойиқ ушбу дақиқа,
Минг йиллик тоғларга ишқим айтиб лаб.
Менинг кўзларимда порлар ҳақиқат,
Минг йиллик тоғлардай кетдим баландлаб.

БОҒЛАРНИ ОЛМАНИНГ ИСЛАРИ ТУТАР

Онам тоғдай нураб боради,
Дилга ғамлар қулаб боради,
Менинг кўнглим қонаб боради,
Райҳонларни суйган онам-а.

Онам, онам меҳмонновозим,
Фасларини қуйдирган ёзим.
Оғриқларга тўла овозим,
Бизга меҳр қўйган онам-а.

Онам босган ер бунча азиз,
Мендан олдин қуёш чўқар тиз,
Жойнамози ёзиқлик ҳаргиз,
Саждага бош қўйган онам-а.

Онам бетоб дейман оҳ уриб,
Олис кетсам қайтдим югуриб,
Умр ўтиб боради югуриб,
Дарларимдан қўйган онам-а,
Райҳонларни суйган онам-а!

НАМАНГАН

Донолари, зукколари
жам-жам Наманган,
Норин, Сирдан белбоғлари
там-там Наманган.

Тўрт фаслга мезбон
эрур бир ёз фаслида,
Чиройининг қуйлар
эсам кам-кам, Наманган.

Ёз фаслида соя-салқин
жой излар эсам,
Ғоша, Нанай сойлари бор
қўқсам Наманган.

Ғолиб, полвон ўғлонлари
овоза тутган,
Қизларининг ифтидидан
хуррам Наманган.

Гирди улғу тоғлар билан
ўралган баланд,
Гулзори кўп, гул ниқиди
пурғам Наманган.

Кундан кунга яшнар боради,
яшариб боради,
Таърифи зўр, олмалари
хуштам Наманган.

Жамолингдан Машрабингдай
девона Дилбар,
Эли хуштаб, меҳмонновоз,
ўқтам Наманган.

Боғларни олманинг ислари тутар,
Олмаларининг ранги қуёқ қирмизи,
Боғлар тепасидан қиялаб ўтар
Осмоннинг чиройли ёруғ юлдузи.

Дарё титраб боради ойини қучиб,
Шивирлашиб қолар йўлда майсалар.
Сеҳрга ғарқ дунё сеҳрига тушиб,
Хаёлинг мен томон шошиб йўл олар.

Меҳр ва соғинчга пойингга тўкиб,
Замин қузатади сени қафтма-қафт.
Сенинг кўзларингдан муҳаббат ўқиб,
Юлдузлар учади бир деб тўрт тараф.

Боғларни олманинг ислари тутар...

ОБОДЛИК ВА ГЎЗАДЛИК ФЕСТИВАЛИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Биз ҳам эски уйларимиз ўрнида уч қаватли замонавий бино қурдик, — дейди «Ўзбекистон» кўчасида истиқомат қилувчи тадбиркор Бехзодбек Ҳақимов. — Бунинг учун «Ҳам-корбанк»дан 50 миллион сўм кредит олдик. Таҳрибали меъморлар маслаҳат беришди. Қисқа муддатда ҳашаматли бинога эга бўлдик. Биринчи қаватини савдо дўкони қилдик. Иккинчи қаватда эса оилам билан яшаймиз. Учинчи қаватда тикувчилик цехи

лар. Саҳналарда қуй ва қўшиқ янгради. Кураш майдонида Фарғона кураши бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Мазкур богда ва муҳташам Ёшлар маркази атрофида ҳам беҳи-соб ранго-ранг гуллар намойиши кўзларни қамаштирди. Пойингда ҳам, бошнинг ҳам, ёнинг ҳам гул, гул ва яна гул. — Фестивалнинг «Ободлик кўнглидан бошланади» деб номланишида теран мазмун бор, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиiddин Сайид. — Алишер Навоий бобомиз кўнгли инсон-

ни билади, қойил!

Бобур номидаги миллий богда «Палов сайли» ва «Кулги кечаси» бўлиб ўтди. Қир-адирлар оша қанот қоққан баҳор еллари қаҳ-қаҳ отаётган нуронийлар, ёш-яланглар ман-глайини силаб ўтишга шоша-ётгандай, гўёки табиат улғу ишларга қодир инсонларни алқайётгандай. Сўлим шийпонлар устунларига илинган тўрқовоқлардаги беданалар хонишга богдаги турфа сай-роқи қушлар жўр бўлади. Оқ аяқли йиғитларнинг қўли-қўлига теғмай, Тошкент Кўкон, Хонободу Шахрихон, Наманган Марғилондан келган шоирлар давронлар, сўз усталироқи ширинзабон фоҳиз-лар, фарштадай отахону кенг яринли меҳмонларга чой ташийдилар. Чойхона теграсидаги Чархпалак кўза-ларга гўёки азиз меҳмонларга обихаёт тутаётгандай. Па-стда қозонлар қайнайди. Ўн олтига қозондан таралаётган анжанча палов ҳиди димоқ-ларни қитқилайди, иштаҳани очади, хуш кайфият уйғотади. Пайтдан фойланиб, ошпаз-ларни суҳбатга тортдик.

— Палов ҳазрати Ҳизр та-оми, — дейди избосканлик Раҳматилло Иброҳимов би-қирлаб қайнаётган таомдан қўз узмай. — Шунинг учун ҳам у етти хил неъматдан тайёрла-нади. Менинг устам Мухторжон ошпаз, унинг устози тақавой-лик Мамадали ошпаз Анди-жондагина эмас, водийда донг таратган.

— Фолиблар қандай мезон-ларга кўра аниқланади? — сўрадик ҳакамлар ҳайъати аъзоси, республика ошпазлар кўрик-танлови ғолиби Хурсан-дбек Тожмухамедовдан.

— Аввало, паловнинг тайёр-ланишини қузатиб бораемиз. Унинг ташқи қўрилиши, масал-ликлардан фойдаланиш дара-жаси ва ошпаз тасаввурининг кенглиги, таомнинг мазаси, ал-батта, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши ҳисобга олинади.

Шу кунги қалбларга чексиз ҳўзур-ҳаловат бахш этган қуй ва қўшиқлар, аския ва ханда-лар, шеър ва табрикларнинг барчаси Андижон халқи, унинг бунёдкор, ташаббускор, мус-тақилликини чин дилдан сева-диган ва уни асраб-авайлаш-учун бутун борлигини баҳиш-

да қила оладиган мард, танти, меҳнатқаш фарзандларига атайди.

— Таассуротларимнинг чеки йўқ, — дейди ҳаяжони-ни босолмай Озодбек Назар-беков. — Тўғриси, Тошкентда уй қуриб, унга қўчиб кирган куним ҳам бу қадар севилма-гандим. Пойтахтда ўсаётган фарзандларим бугунги ўзга-ришларни қўриб, «Сиз шу ер-ликмисиз», деб сўрасалар, уларга гурур ва ифтихор билан «Ҳа, мен анжанликман», дея олишимнинг ўзи катта бахт.

Ўлим, бундай ободончилик ишлари бутун вилоятимиз бўйлаб тез суръатларда да-вом этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган

Қасбим тақозосига кўра вақтим-нинг кўп қисми йўлда ўтади. Олис йўللарда машина бошқариб кетаёт-ган одам учун энг яхши ҳамроҳ — бу радио. Мен кўпроқ «Ўзбекистон» радиосини тинглашни яхши кўраман. Эшиттиришлар оралиғида суҳандонлар тез-тез «Сиз «Ўзбекистон» радио-каналини тинглаяпсиз», де-ган жумлаларни такрорлаб туришади. Улар «Ўзбеки-стон» сўзини шундай улғувор оҳанг ва ифтихор билан талаффуз қилишади-ки, беихтиёр бутун вужудим жимир-лаб, руҳим юксалиб кетади.

Сурхондарёнинг Жарқўрғон тум-нида туғилиб ўсганман. Кўп йиллар Тошкентда ва Термизда яшагга тўғри келди. Тошкент ҳам, Термиз ҳам мен учун нихоятда қадрдон. Ай-

Ватан учун яшайлик!

намунали уйларнинг 620 таси ўтган йили ўз эгаларига топ-ширилди. Бу йил ана шундай уйлардан 665 та, келаси йили эса 1120 та қурилади. Бу уй-ларга кирсанг дилинг яйрайди, улардаги шарт-шароитлар ин-соний қадр-қимматини оши-риб, кўксингни баланд қила-ди.

Андижонимизга меҳмон келса, қўрсатгулик, кўз-кўз қилгулик жойларимиз энди тобора кўпайиб бормоқда. Энди кўксимизни баланд ту-тиб, уларни шахримизнинг янги манзиллари бўйлаб сайр қилдиришимиз мумкин. Буни ҳатто чет эллик меҳмонлар ҳам эътироф этмоқдалар.

— Андижондаги бунёдкорлик ишлари эл-юрт ободлиги ва тинчлик осийишталиқдан нишо-надр, — деди биз билан суҳ-батда италиялик бизнесмен Марсо Делани. — Мени халқ-ингизнинг самимийлиги, меҳ-мондўстлиги ва, айниқса, биз италиянлар каби жўшқин кай-фияти қувонтирди.

Ўғлим, бир гал интернет ор-қали чет эллик одам билан та-нишганимни айтганидир. Бун-дай танишларни, дўстларни кўпроқ орттиравер, бироқ, ҳаммиса ёдингда бўлсинки, Ва-тан манфаатини биринчи ўринга қўйгин. Доимо Ватан учун яшасакки биз буюк ман-зилларга етаемиз.

Қувончларим изорини ҳўжа-ободлик саксон ёшли Маҳкам ота Раҳматуллаевнинг сўзлари билан якуламоқчиман:

— Мустақиллик ишлаб чар-чамайдиган, уйнаб-қулиб умр-гузаронлик қиладиган дамлар-ни берди. Етказганига, қўрсат-ганига шукр!

Наби ЖАЛОЛИДДИН

УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН...

дай гап-сўз ошиқча эди. Бир неча соатгина ўтиб самолёт гилдиракла-ри охишта қадрдон заминга теғди. Ҳамма бирдан қарсақ чалиб юборди. Бу нихоятда ёқимли ва катта бахт эди. Кўзимга қувонч ёшлари қалди. Яна шу юрт, шу Ватан бағрига етказ-гани учун Оллоҳга беадад шукрлар қилдим...

Истиқлол ўзбекини ўзлигига қай-тарди, улғу аждодларини танитиб, улардан фахрланиш, уларга муносиб бўлишга интилиш туйғусини берди. Фикр ва тиб илмининг буюк аллома-си сифатида дунёда тан олинган Ҳақим ат-Термизий ҳақида истиқлол-гача билганларимиз «авлиё Термиз ота» деган соддагина баёни эди, хо-лос. Зийратлар баъзан чегарачи ас-карлар рухсати билан, баъзан яши-ринча тарзда амалга оширилар эди. Бугунги кунда ал Ҳақим ат-Термизий макбарасида амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш, ободонла-тириш ишлари натижасида у шундай гўзал зийратгоҳга айландики, бу мас-канга бомдод пайти келган киши бир гўзал манзаранинг, пешин пайти кел-ганлар яна бир файзли тароватнинг, шомда келганлар эса ўзгача бир сурурли ҳолатнинг ғувоҳи бўлади.

Макбара юртимиздаги энг обод ва улғувор тарихий обидлардан бири сифатида эътироф этилади. Бу ерга ташриф буюрган давлатимиз раҳба-ри улғу бобомиз номига муносиб қадамга дунёга келганини қўриб, хушнуд бўлдилар. Зеро, Ҳақим ат-Термизий макбарасидаги бунёдкор-ликлар, хурматли Юртобшомиз ташаббуси билан юртимизда амал-га оширилган кенг миқёсли хайрли ишларнинг узвий давоми эди.

Бир гулчи синглимиз этиштирган ноёб гуллар шу муқаддас гўшани беэзаб тургандан нихоятда бахтиёр ҳис этади ўзини. Бир тадбиркор че-варга макбарани чанг-ғуборлардан асраш учун ёпинч қиш топширил-ган экан. «Опа, Сурхондарёда неча минг тикучи бор, аммо шу муборак иш менга насиб этди», — дейди кўзлари қувонч ёшларига тўлиб. Унинг қалбиди Ватанга, ватандош-ларга, улғу аждодларга бўлган чексиз муҳаббатдан таъсирланиб, менинг ҳам кўзларимга ёш қалди.

Собиқ Иттифок даврида ҳам чет элларга чиқиб ишлаган мутахассис-ларимиз бўлган. Хусусан, Бирлашган Араб амирликларида меҳнат қилган шифокор дўстим айтди:

— Ҳайит қулари ёнимиздагилар-нинг ҳаммаси зийратга кетишарди. Яшаётган жойимиздан Макка бир қадам, пулимиз, хоҳишимиз бор, аммо бизга рухсат берилмасди. Ўзи-

риб келди.



— Бизларга ажратилган меҳмон-хона биносининг пештоқида Ўзбе-кистон байроғи ҳилпираб тургани-ни қўриб, қалбларимиз гурурга тўлиб кетди, — дейди у хаяжон би-лан. — Телевизорлар Ўзбекистон те-левидениеси дастурларини тўлиқ кўрсатар эди. Ибодатдан бўшадик дегунча ҳаммамиз бизни Ватан би-лан боғлаб турган телеэкранларга термулар эдик. Мезбонлар бизнинг юртимизга, Юртбошимизга беихёра катта эҳтиром билан қарашларини пайқадик. Ва ана шу эҳтиромни биз зийратчилар ўзимизга нисбатан ҳам ҳар қадамга ҳис этиб турдик. Шун-да ҳам қалбларимизни Ватан ҳаё-ли, Ватан соғинчи бир зум тарк эт-гани йўқ.

О, Ватан ҳаёли, Ватан соғинчи, сенда қандай сеҳр ва қудрат борки, Оллоҳнинг уйда бир умр билиб-бил-май қилган гуноҳларининг махфиро-тини сўраб юрган бандаларнинг юра-дида ҳам собит тураверсан! Сенинг таърифингга тиб оқиб, ўйлаб-ўйлаб топишган ҳар қандай ташбеҳ қалба-ди Ватанга аталган муҳаббат олдида беқадрдек қўринаверади. Қўшиқлар-да айтилганидек, улғулардан улғуим-сан, Ватаним. Биламан, менинг бу содда битикларим сенинг қудратинг, махобатинг олдида жуда ҳам жўндир, аммо улар сени чин фарзандлик му-ҳаббати билан севувчи ростгўй юракнинг рост туйғуларидир.

Жамила ЭРҒАШЕВА,
ёзувчи

Хуршида ҲАСАНОВА:

ҲАЁТИМНИ БОЛАПАРСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛОДМАЙМАН

Ўзбек композиторлари орасида аёл ижодкорлар бармоқ билан санарли, эканини ҳисобга оладиган бўлсак, суҳбатдошимиз Хуршида Ҳасанова зиммасидаги масъулият қанчалар залворли эканини ҳис этмаслик мумкин эмас. Хуршидахоннинг юз-кўзида акс этиб турган болаларча беғуборлик, сўзларидаги самимиёт танлаган касбидан хурсандлигини кўрсатиб турибди. Зеро, бугунги кун болалар қўшиқчилигини Хуршида Ҳасанова ижодисиз тасаввур қилиш мушкул.

Суҳбат аввалида композиторнинг мусликий ижодда болалар қўшиқчилигини танлагани сабаблари билан қизиқдик.

— Касб танлашда оиланинг ўрни жуда катта, — дейди Хуршидахон. — Отам Отабой Ҳасанов ҳалқимизнинг сеvimли ҳофизи Комилжон Отанбегов билан биргаликда “Лазги” ансамблини ташкил этишда қатнашган санъаткорлардан бири. Отам ҳаммаша менга “Сен бастакор бўласан, симфония ёзасан”, дер эди. Шу сабабли мендан “Катта бўлсанг, ким бўласан?” деб сўраса, ҳали қандай соҳалигини англамаган ҳолда, “Бастакор бўлман”, деб жавоб берардим.

Айнан болалар қўшиқчилигини танлаганимга келсак, онам болалар боғчасида ишларди. Лекин санъатни жуда сеvarди. “Санъатда ошно бўлган одамдан ёмонлик чиқмайди”, деган ақидига амал қилиб яшасан онанг биз фарзандларини эринмай мусиқа мактабига олиб-бориб келарди. Бўш вақтларимда кўпчи на онанинг олдига — боғчага чиқардим. Болаларни жуда яхши кўрардим. Улар билан гаплашиб, турли ўйинлар ўйнаб ўтирардим. Болалардаги самимиёлиқни, беғуборлиқни ҳеч қачондан топпайман. Уларнинг муҳаббати ҳам, нафрати ҳам ҳақиқий, ниҳоятда самими.

Бундан ташқари, болалигимда “Гунаҳ” вокал-чолгу ансамблида қатнашганман. Эҳтимол, шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, болалар қўшиқчилигини танлагандирман.

— “Севинч” болалар гуруҳининг ташкил этилишига ҳам шу сабаб бўлган бўлса керак... — Ҳа, “Севинч” гуруҳини 1998 йили Саодат Музафарова билан бирга ташкил этганимиз. Кўп йиллар гуруҳнинг мусиқа раҳбари бўлиб ишладим. Шу гуруҳ ва

“Тумор”, “Тарона” гуруҳлари учун юзга яқин қўшиқлар ёздим. Ҳозир ҳам “Севинч” билан яқиндан ҳамкорлик қиламан.

— Биринчи қўшиғингизни қачон ёзгансиз? Умуман, йирик жанрлардаги ишларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Мусиқа мактабиде ўқиб юрганимда ҳозирда таниқли композитор Аваз Мансуров олиб борадиган факультет дарсда қатнашардим. У киши биринчи устозим сифатида ижодимнинг бошланғичи туртки берган. Аваз аканинг сабоқлари ва маслаҳатлари билан 11-12 ёшларда Қамбар ота шеърига “Пилла кўртим — тилла кўртим” қўшиғини ёзганман. Бу қўшиғим ҳозиргача “Бул-булча” ансамбли репертуаридан тушмай келаяпти. Консерваторияда Мирҳалил Махмудов синфида ўқиганман. Ҳақиқий ижодий жараён шу даргоҳда бошланди. Диплом иши сифатида оркестр ва фортепиано учун концерт ёздим. Отам орзу қилган симфонияни эса аспирантурада ўқиганимда ёзганман. Икки қисмдан иборат бу асарим отам хотирасига бағишланган. Бир неча болалар филмларида мусиқа басталдим. Улар орасида “Наврўзои”, “Ғаройиб кашфиёт”, “Болалар орзуси”, “Тогда ўтган кўнук ёз”, “Арча, арча, арчагон” каби мусикий филмлар бор.

— Хуршидахон, билишимизча, эстрада соҳасида ҳам ўзингизни синаб кўргансиз...

— Ижодкор одам бир жанр доирасида қолиб кетмаслиги керак, деб ўйлайман. Жанрлар хилма-хиллиги мусиқаларнинг ҳам сержило бўлишига, бойишига ёрдам беради. Эстрададаги ижодимни таниқли хонанда Қумуш Раззоқова билан ҳамкорликдан бошлаганман. Хонанда учун “Соғинаман”, “Етоғмайман”, “Куз гулла-ри”, “Қизғонаман” каби бир неча қўшиқлар ёздим. Ёш ижрочи Аделина Назарова учун ёзган “Меҳр” қўшиғим ва яна бир неча қўшиқларим эфирда янграб туради. Лекин ижодимнинг асосий қисми болалар билан боғлиқ. Болалар олаимсиз ижодимни тасаввур қилолмайман.

— Аёл кишининг уй-рўзгор ташвиши, фарзандлар тарбиясидан ортиб ижод қилиши осон бўлмасе керак.

— Аслида, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, ишлайдиган аёл учун осон эмас. Бунда атрофдаги яқинлари, биринчи навбатда, турмуш ўртоғининг тушуниши ва ёрдами катта рол ўйнайди. Мусиқа, қўшиқ яратиш кўп вақт талаб қиладиган мураккаб жараён. Эҳтимол, шунинг учун ҳам аёл композиторлар камчилиқни ташкил этар.

Менинг эса бу борада омадим чопган. Турмуш ўртоғим ҳам санъаткор, созанда бўлгани учун доимо қўллаб-қувватлаб келди. Иккита фарзандимиз бор. Имкон қадар ижоддан бўш вақтларни фарзандларимиз билан ўтказишга ҳаракат қиламиз.

— Бугунги болалар қўшиқчилиги ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўтаётган йирик байрам томошалари, катта тадбирларда болаларнинг ранг-баранг чиқишлари бу соҳа кенг ривожланиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Албатта, баъзи жиҳатлардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, баъзан экранда ўсиридан ўғил-қизларимиз ёшларига мос бўлмаган либосларда, ўзларига номуносиб қўшиқларни айтиб кўришни қолишади. Улар ижросидаги баъзи қўшиқлар матни катта ёшдагиларга хос бўлса, баъзиларида пала-партишлик, саёзлик, тутуриқсиз сўзлар кўзга ташланади. Назаримда, бундай ҳолатга ўша болаларнинг ота-оналари ҳам сабабчи. Фарзандининг келажаги, камоли ҳақида жиддий бош қотирадиган ота-она боласига тўғри йўл кўрсатади, ижод оstonасидаги яхшини ёмондан ажрата билишни ўргатади. Албатта, бу ўринда болани санъат оstonасига етаклаб келган устоз ҳам маънавий етук, профессионал жиҳатдан мукамал бўлиши кўп нарсани ҳал қилади.

Нима бўлганда ҳам, болани бошидан фақат юксак профессионализм руҳида тарбиялаш керак. Бола, аввало, бола, кейин қўшиқчи. Шунинг учун унга ҳаёт, орзу, инсоний фазилатлар, атроф-олам ҳақидаги қўшиқларни ўргатиш зарур. Қўшиқча асос бўладиган бундай шеърлар кам эмас.

— Ҳозирги кунда консерваториянинг бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида ишлаётган экансиз. Шогирдларингиз кўп бўлса керак?

— Шогирд тарбиялашининг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Бунини бошингизга тушса билар экансиз. Аввало, ўқиб-ўргангани билан ҳамма ҳам бастакор бўлиб кетавермайди. Мусиқа ёзиш учун одамнинг ўзида турма ҳиссиёт бўлиши керак. Қолаверса, шогирдликка ола-

ётган одамнинг сени тўғри тушуниши, ижодий йўналишининг яхши ҳис этиши ва асосан ҳамфироқ бўлиши лозим.

Лекин шогирднинг бирор кичик ютуғи ҳам дилингга қувонч бағишлаб, сенда фахр туйғусини ўйотган дамларда ҳар қандай қийинчилик ювилиб кетади. Ҳозир консерватория қошидаги иқтидорли болалар лицейида иккита шогирд бор: Рустам Худойбердиев ва Илхом Дўстмуродов. Жуда меҳнаткаш, интилувчан болалар. Шу йил бошларида консерваторияда ўтказилган энг яхши эстрада қўшиғи танловида Рустам “Юлдузли тунлар” қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллади. Бу, албатта, устоз сифатида менга ҳам қувонч бағишлади.

— Айни вақтда нималар билан бандсиз?

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган кунлар тобора қийналишяпти. Шу муносабат билан “Менинг диёрим” деб номланган китобимни нашрга тайёрладим. Ундан болалар учун ёзган йигирмадан ортқ қўшиғимга тавсиялар ўрин олган бўлиб, қўшиқлар диски ҳам илова қилинади. Биринчи китобим “Қўшиқлар сеҳри” номи билан нашр этилган.

Наврўзга бағишлаб “Тарона” гуруҳи учун “Салом, баҳор”, “Шўх болалар”, “Севинч” гуруҳига “Парвоз этай” қўшиқларини ёздим. Шунини айтиб ўтишим керакки, шoir Анвар Обиджон билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қиламиз. Мустақиллик байрамига ҳам Анвар ака билан ҳамкорликда “Севинч” гуруҳи учун яхши бир қўшиқ тайёрлашни ният қилганман. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига “Эртақлар дунёси” номи янги қўшиғимни тайёрладим. Болалик орзуси, боланинг тасаввури, ҳаёлот дунёси ҳақидаги бу қўшиқни 9 ёшли иқтидорли қизалоқ Сарвара Мирвосқова ижро этди.

Шу кунларда Халқ таълими вазирлиги Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб “Юртим, сенга жоним фидо!” шoirи остида республика бўйлаб ижодий учрашувлар ўтказилди. Юртимизнинг истеъдодли ўғил-қизлари ўз тенгдошлари билан юзма-юз учрашиб, уларга дастурларини намойиш этишди. Учрашувда шoir ва бастакорларнинг қатнашиши ҳам кўзда тутилган. Ўзим шу кунларда “Тарона” гуруҳи билан Қашқадарё сафаридан қайтиб келдим. Шу ҳафта охирида эса “Ягонасан, муқаддас Ватан” қўшиқлар танловининг Халқ таълими вазирлиги тизимидаги республика босқичи ҳайъат аъзоси сифатида Қўқон шаҳрида сафарда бўламиз.

Гулчехра УМАРОВА
суҳбатлашди

ФЕРЕНЦ ЛИСТГА БАҒИШЛАНДИ

Венгриялик машҳур композитор ва пианиночи Ференц Листнинг 200 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар чинакам санъат байрамига айланди. Ференц Лист XIX аср мусиқа санъатида поэма ва рапсодия каби ўз даври учун янги бўлган жанрларни олиб кирган. У ранг-баранг ва жозибали 13 мусикий поэма ҳамда 19 рапсодия ёзган. Ф.Лист асарлари ҳақон композиторлик ижодининг асл намуналари ҳисобланади. Тўққиз ёшдаёқ ижрочилик сирларини пухта ўрганган ёш Ференц, 16 ёшда бутун Европада машҳур бўлди. Ф.Лист мусикий танқидчилик соҳасида ҳам қалам теbrатган. У таниқли поляк композитори ҳақидаги “Фридерик Шопен”, “Венг лўлилари мусикаси” каби китоблар муаллифидир. Композитор ташаббуси билан Венгрияда ташкил этилган мусикий академия ҳозир ҳам фаолият юритмоқда. Маълумки, 2011 йил ЮНЕСКО томонидан Ференц Лист йили деб эълон қилинган. Ҳақоннинг Нью-Йорк, Алмати, Москва, Санкт-Петербург, Бокү, Кемерово каби шаҳарларида композитор хотирасига бағишланган концерт ва му-

сикий танловлар бўлиб ўтди. Будапештдаги аэропорт эндиликда Ференц Лист номидаги халқаро аэропорт номини олди.

Ф.Лист хотирасига бағишланган фестивал доирасидаги мусикий кечаларидан бири Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Ушбу мусикий тадбир халқаро танловлар совриндори, “Махсус фортепиано” кафедраси муdiri, профессор С.Ғафурова ҳамда санъатшунослик фанлари номзода, “Мусиқа тарихи ва танқиди” кафедраси доценти Ш.Ғанихонова ижодий ҳамкорлиги маҳсули бўлди. Концертдан аввал фойеда ўтказилган Ференц Лист ҳаёти ва ижодига бағишланган суратлар кўргазмаси Венгрия элчихонаси вакиллари Золтан Фабян-Шереметьев ва Янош Ваник томонидан консерваторияга эsdалик сифатида тақдим этилди. Мусикий кечада композиторнинг бош маънавий дунёси, ижодий қиёфасини ўзида мусасамлаштирган “Сайёҳлик йиллари” номили фортепиано туркуми ижро этилди.

Дилноза АСАНОВА,
консерватория талабаси

Маданий ҳаёт

Миллий номоддий маданий меросимизнинг ноёб жанрларини асраш, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда бу йўналишда ижод қилаётган жомоаларнинг фаолиятини ривожлантириш, ёш иқтидорларни кашф этиш мақсадида Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида аскияча ва қизиқчиларнинг аънавий республика кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда қатнашган гуруҳлар аския ижрочилиги, миниатюра сахналари, пантомима ва пародия йўналишларида куч синашди. Танлов голиблари халқаро миқёсда ўтказиладиган халқ ижодиёти фестивалларида қатнашиш учун тавсия этилади.

М.КАРИМОВА

тилига тушиб, юрт меҳрини қозонган инсон ҳақида бўлса, “Оққуш” асари қалами тиги билан жамиятдаги мажбул иллатларни ўш мақола ва фельетонларида аёвсиз фойда этгани, лоқайдлик ва тўрачиликка мурасасизлиги сабабли бошидан кечирган мушкулотлар, турли маънавий ва жисмоний азоблар ҳам эътиқоиддан қайтаролмагани, охири-оқибат адолат қарор топиб жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани ёш йигитнинг эsdа қоларли образи билан эътиборли бўлди.

Фарғона вилоят театрининг “Бошқача одамлар” спектакли (О.Ҳакимов, С.Одилов асари, режиссёр — М.Юсупов) ишлаб чиқариш мавзусида. Бир заво, унда хизмат қилаётган олдий ҳалол инсонлар ва замонадан бироз орқада қолган бўлса-да, бунини тан олишни истамаган мансабдор шахслар ўртасидаги қарама-қаршилик ва кураш конфликтнинг асосини ташкил этади. Айнан мана шу қарама-қаршиликка замон билан ҳам нафас ҳаракат қилаётган ёшлар ғоясининг ғалабаси спектакл хотимасида эгуликнинг тантанаси сифатида кўрсатилади.

Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида сахналаштирилган Нафас Шодмонов қаламига мансуб “Наҳот дарвозаси” спектакли ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Спектакл (режиссёр — Ф.Бойназаров) аънавий ечимда ҳал этилган бўлса-да, танланган мавзунинг бугунги кун учун аҳамиятли экани эътиборни тортади. Асар бош қаҳрамонлари ўтган асрдаги “Ўзбек кишини”нинг қурбонлари. Театр яқин ўтган кунларнинг миқлат бошига солган фожеали қулларнинг қўрсатиш орқали миллий озодлик, мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини ёлға солади ва шу орқали бугунги кун қадрига етишга ундайди.

Асар қаҳрамонлари турли ёшдаги, турли тоифадаги кишилар. Уларнинг воқеага муносабатлари бир хилда эмас. Муҳими, ҳақиқатни қарор топтириш учун курашга бел боғлаганларнинг мавжудлиги ва, энг асосийси, мана шундай мураккаб шароитда мамлакат, халқ тақдирида бурилиш ясашига ўзида куч топланган борлиги сабаб миқлат ўзигини йўқотмади, балки бугунги кунга етиб келди. Ушбу спектакл ифодавий воситалардан унумли фойдаланилгани билан эътиборни тортади. Хусусан, дастлабки сахнавий кўринишда орқа фондан ўрин олган содда иттифоқ пойтахти бош биноси шаклидаги қурилма элементлари спектакл воқеалари давомида актёрлар томонидан бирма-бир олиниб, ундан турли воситалар сифатида фойдаланилиши, ўрни билан ўриндиқлар сифатида ишлатилиши ва охири-оқибат унинг емирилиш кетишида, ёхуд спектакл бошида горн қилиб сахнани тўлдириб, шадҳам қаламлар билан қириб келган кашшофлар сафининг аста-секин қамқайиб, охири мусиқа асбобидан чиқаётган қўйнинг қучсизлиги, бўғилиб қўй-

ишда катта маъно бор.

Фестивал доирасида шу каби катта ижтимоий мавзуларни кўриб чиққан чуқур фалсафий маъно ташувчи асарлар қатори воқеалари олдий маънавий мавзулар атрофида кечса-да, инсоний қисматлар тасвири билан томошанин эътиборини қозongan спектакллар ҳам эътироф этилди. Хусусан, Қўқон шаҳар мусиқали драма театрининг “Жаннат аёл” (муаллиф О.Малатова), Қорақалпоғистон давлат

ёш томошабинлар театрининг “Эл меҳри” (Р.Ёриев асари) асарлари ҳақида шундай фикрлар билдириш мумкин. Шу маънода “Жаннат аёл” спектакли бир қарашда ўта маънавий бўлиб кўринса-да, унда олдий аёл қисмати мисолида бутунги кун кишинининг ёрқин қиёфаси ўз аксини топангани қайда этиш лозим. Ижодкорлар (режиссёр — И.Абдуллаев) ўзи ва фарзандларини тақдир учун курашиб, ҳалол меҳнат ва изланишлари орқали ҳаётда муносиб ўрин топа олган аёл ҳақидаги спектаклда замонадошимиз қиёфасини яраттишган.

Фестивал бугунги сахна маданиятининг ҳолатини рўй-рост намойён этди. Ананалар асосида изланаётган жомоалар билан бирга сахна санъатини янги, замонавий унсурлар билан бойитишга интилаётган жомоалар меҳнатига муносиб баҳо берилди. Қаерда янгиликка интилиш, сахна маданиятининг янги унсурлар билан тўлдириш йўлида изланиш бўлса, муваффақият ва томошабинлар олқиши уларга ҳамроҳ эканлиги намойён бўлди. Замонавий мавзунини ўзлаштиришда ютуқлар билан бирга қатор муаммолар мавжудлиги театр танқидчиларини қийинлаштирди тили олдини.

Ушбу фестивалда ҳам драматургия театр асоси экани, тан олиш жоиз, у бугунги кун сахна маданияти олдини қўйилаётган талаблардан биринчиси ортда қолаётгани ҳақда сезилди. Бу ҳолат драматургик маҳорат бобида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларда айниқса кўзга алоқ қилинади. Қолаверса, сахна режиссурасида ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар қўлами яққол намойён бўлди. Зеро, театрда ижодий жомоа — драматург, режиссёр, расом ва актёрлар ансамбли бақамти ишлаганда пишиқ ва пухта асарлар яратилаётгани яна бир бор эътироф этилди.

Фестивалда намойиш этилган спектакллар театр санъатида ижодий изланишлар жараёни давом эттаётганини кўрсатди. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан сахна санъатида кўрсатилаётган эътибор ва ҳамқўриққа жавобан санъатнинг азалий аънавларида таянган ҳолда уларни янги унсурлар билан бойитишга интилаётган жомоалар меҳнати ижобий натижалар келтираётгани кўзга ташланди. Асосийси, замонавий мавзунини ўзлаштириш, бугунги кун кишинини ўйлантираётган муаммолар, замондошлар, уларнинг ўзига хос сиймоларини яратиш йўлида халқ жараён бошлангани эътироф этилди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари
доктори, фестивал ҳайъати аъзоси

Ўзбекистон мустақиллигининг 20-йиллигига бағишланган республика театрларининг “Сени қўйлаймиз, замондош!” фестивал-танловида турли жанрларда ижод қилаётган театрлар иштирок этиди. Дастурдан ўрин олган йигирмага яқин асарлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, замонавий театр талабларига тўлиқ ҳаёт берадиган асарлар билан бирга, ташвиқот-тарбия, агит-плакат характеридаги шошилинч сахналаштирилган, драматургик материал, режиссура, тасвир, ижро маҳорати юзасидан қайта кўриб чиқишлиги лозим бўлган асарлар ҳам йўқ эмас. Асосийси, фестивал бугунги ўзбек театрининг замонавий мавзуда асар яратишга доир имкониятларини намойён этди.

Театрларнинг сўнгги йиллардаги репертуари аксар ҳолда оилавий-маънавий мавзулар доирасида чегараланиб қолаётган эди. Шу маънода мазкур фестивалнинг аҳамияти катта бўлди.

Фестивалда кўзланган мақсад бугунги кун қаҳрамонини сахнага олиб чиқиш. Олдий қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кун қаҳрамони сиз ва биз билан бирга нафас олиб, эртанги кун шавқи билан яшаб, янги марралар сари интилаётган, энг асосийси, мамлакатимизнинг эртанги кунини, келажагини бугундан-да яхшироқ бўлишни истаётган, бу йўлда ўз улушини қўйишга ҳаракат қилаётган афродимиздаги одамлар.

Фестивал ташкилотчиларининг яна бир нияти театрларда нафақат замонавий қаҳрамон сиймосини яратиш, шу билан бирга истиқлолни, миллий қадриятларимизни улуғловчи замонавий мавзудаги спектакллар яратишнинг қўллаб-қувватлаш, ижодкорларнинг профессионал маҳорати ошишига қўмақлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, томошабинларни сахна санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишдан иборат. Тадбирини Ўзбек миллий академик драма театри жомоаси Ўзбекистон халқ шoirи У.Азим қаламига мансуб “Огоҳ бўлинг, одамлар” асари билан бошлаб берди. Бугунги кунда одам савдоси инсониятни ўйлантириб келаётган глобал муаммолар сирасига кирди. Театр айнан шу муаммага эътибор қаратиш орқали томошабинни огоҳликка даяват қилди, миллилатимизнинг юксак фазилатларидан бўлган инсонийликни таранум этиди.

Спектаклда (режиссёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров) динни ниқоб қилиб, қинғир йўл билан бойлик орттиришга киришган инсонларнинг қабих хатти-ҳаракатларини фойда этиш мақсад қилиб олинган. Турли муҳит ва турли даврда со-

дир бўлаётган воқеаларни акс эттиришда соҳна имкониятларидан ўринли фойдаланилгани боис олдий баённинг олди олинди, қаламга олинган воқеа бутун тафсилоти билан томошабини кўз ўнгига намойён бўлишига эришилган. Саҳнавий ифода воситалари — чирок, нур, тасвир, мусиқа спектаклнинг томошавийлигини таъминлаган. Полковник Жабборов (актёр Ўзбекистон халқ артисти М.Абдуқундузов) қиёфасида миллатпарвар, ҳақиқатқўй, катта номуз ва шаън эгаси тўлақонли акс этган. М.Абдуқундузов ҳаракатларида нафақат ўзига ишонч, балки ҳақиқатни қарор топтириб, жиноятчиларни жазолашдек муқаллас бурчида ҳиёнат қилмайдиган, ҳар қандай шароитда адолат тантанаси учун кураша оладиган мард инсон қиёфаси намойён бўлди. Унинг тилдан жаранглаган сўзлар баъзан баландпарвоз, риторик характер касб этаётгандек



“Оққуш” спектаклидан лавҳа

бўлиб туюлади. Лекин актёр ўзига топирилган рол моҳиятини жуда тўғри англаган ҳолда талқин этгани боис сахнадан жаранглаган ҳар бир сўз томошабини эътиборини ортади.

Спектаклда жалб этилган актёрларнинг аксари ёш бўлишига қарамай, ижро учун мураккаб бўлган ушбу асарда ўзларига топирилган ролга масъулиятини тўлиқ тушуниган ҳолда ёнлашиб, чуқур ҳаётий ҳақиқатни кўрсатишга эришганлар. Хусусан, соддалигидан ўзи тушуниб-тушунамай йўл қўйган хатоси сабаб ҳаёти шомини яқинлаштирган бош қаҳрамоннинг дугонаси соддалик Нафиса образини олайлик. Актриса Азиза Шарипова содда ва самимиёлиқ ҳар бир ҳаракатидан сезилиб турган, топталган номусини тиклаш олдида ожиз қолган қиз образини ниҳоятда самимиий талқин этади. Ёки алдов йўли билан шаъни ва номуси поймол этилган аёлини қалбан тушуниб, уни кечира олган, нафақат

кечирган, гурури ва шаънини тиклаш йўлида курашга бел бонган Акбар образи актёр Асад Набиев, қасос ўтида ёнган, шу билан бирга фарзанди олдидаги оналик бурчи ва масъулиятини ҳис этиб, яшашга ўзида куч тополган Мавжуда — актриса Шолия Тўхтасева ижроси ҳақида ҳам илиқ фикрлар

дай асарлар орасида республика Ёш томошабинлар театрининг “Диско-тека” (муаллиф Шухрат Ризаев) спектакли эътиборли. Спектаклда (режиссёр — Ўзбекистон халқ артисти Олимжон Салимов) ёшлар тўпланиб, ҳорлиқ чиқарилаган жой баҳона турли характердаги ёшларини бир-бири билан тўқнаштириб,

бир воқеа атрофида ўз характерларини намойён этишлари учун имконият яратилган.

Саҳнавий воситаларда ёшларни ўйлантираётган, уларнинг мақсадлари ва бунга эришиш йўлида тўққилиқ қилиши мумкин бўлган масалаларга эътибор қаратиб, бугунги кун ёшлари кечаги тенгқўрларидан нима билан фарқ қилишини кўрсатишга ҳаракат қилинган. Воқеа бир жойда кечиб, турли тоифа одамларнинг аралашуви бир жойда солид бўлса-да, кўтарилган муаммонинг долзарблиги, асарнинг томошавий элементларга бойлиги сабаб, бир воқеа атрофида ўз характерларини намойён этишлари учун имконият яратилган.

Спектаклнинг яна бир ижобий жиҳати унда турли соҳа вакилларининг қиёфаларини яратиш йўлида қалам ташланганидир. Хусусан, Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг “Шихоат” (Х.Хурсанов асари) асари чегара посбонлари, Андижон вилоят мусиқали драма театрининг “Оқ халати фаршталар” (Ф.Божомов асари) спектакли шифокорлар, Наманган вилоят мусиқали драма театрининг “Баҳор шамоли” (Н.Аббосхон) олимлар, Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг “Интилганга толе ёр” (П.Айтмуратов асари) фермерлар, Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг “Тўғон” (А.Ҳамро асари) спектакли чегарани бузишга интилганларга қарши курашга ўзида куч топан олдий инсонлар ҳақида.

“Интилганга толе ёр” спектакли аспирантуралда ўқиб, ўз илмий фаолиятини амалиёт билан боғлаш йўлида қишлоқлошлар ва оила аъзоларининг қаршиликларига қарамай (ота-онаси унинг ҳаракатини тушунишни истамайди, қайнонаси сеvimли ёрини олиб кетиб қолади) катта муваффақиятга эришган ва охири-оқибат эл

ни ёмон кўрадиган Кундуз (актриса Шаҳноза Шайхуфай) каби ора-разларнинг ҳар бири ҳақида яхши фикрлар билдириш мумкин. Режиссёрнинг маҳорати шундаки, қа

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА
НАРХИ
ЭРКИН